



ЎЗБЕКИСТОН ПРЕЗИДЕНТИ БАРҚАРОР РИВОЖЛАНИШ МАҚСАДЛАРИГА ЭРИШИШДА КЕНГ КўЛАМЛИ ХАЛҚАРО ҲАМКОРЛИККА ЧАҚИРДИ



Ўзбекистон Республикаси Президенти Шавкат Мирзиёев Хитой Халқ Республикаси Раиси Си Цзиньпиннинг таклифига биноан 24 июнь куни “БРИКС плюс” форматидаги Глобал тараққиёт масалалари бўйича юқори даражадаги мулоқотда иштирок этди.

Хитой томони раислигида ўтган онлайн форумда дунёнинг 18 мамлакатидан давлат ва ҳукумат раҳбарлари қатнашди. Ўзбекистон ва Хитой

етақчилари билан бир қаторда Аргентина Президенти Альберто Фернандес, Индонезия Президенти Жокко Видодо, Жазиор Президенти Абдулмажид

Таббун, Жанубий Африка Республикаси Президенти Сирил Рамафоса, Миср Президенти Абдулфаттоҳ ас-Сиси, Россия Президенти Владимир

Путин, Эрон Президенти Иброҳим Раисий, Қозоғистон Президенти Қосим-Жомарт Тоқаев, Ҳиндистон Бош вазири Нарендра Моди, Бразилия

вице-президенти Гамильтон Моурау, шунингдек, Камбоджа, Малайзия, Таиланд, Фиджи ва Эфиопия ҳукуматлари раҳбарлари иштирок этди.

Хавфсизлик ва барқарорлик борасидаги кўп томонлама ҳамкорлик, савдо ва инвестициялар, “яшил” иқтисодиёт, юқори технологиялар ва инновациялар, рақамлаштириш, транспорт ва логистика, экология, гуманитар соҳаларда амалий шериклини кенгайтириш масалалари кўриб чиқилди.

Ўзбекистон Президенти ўз нутқида “БРИКС плюс” форматидаги мулоқотнинг Барқарор ривожланиш кун тартибини илгари суришда инклюзив шериклик учун зарур платформа сифатида алоҳида аҳамиятга эга эканини таъкидлади.

Бугунги дунё қатор таҳликали жараёнлар билан кечаётган чуқур трансформация даврида яшаётгани — халқаро кескинлик тобора кучайиб бораётгани ва тизимли иқтисодий инқироз белгилари намоён бўлаётгани қайд этилди.

Иштирокчиларнинг эътибори “Инсон манфаатлари — ҳамма нарсадан устун” деган тамойил асосида ислохотларни амалга оширишни изчил давом эттираётган Янги Ўзбекистон бундай шароитда кенг кўламли ҳамкорлик, шу жумладан, “Жануб — Жануб” форматидаги шериклик учун очик эканига қаратилди.

Жаҳон иқтисодиётида кузатилаётган инқирозли ҳолатларни енгиб ўтиш мақсадида савдодаги тўсиқларни бартараф этиш, янги ишлаб чиқариш ва савдо-логистика занжирларини яратиш, саноат кооперацияси бўйича лойиҳаларга инвестициялар жалб этиш ва инфратузилмани модернизация қилиш, технологиялар трансфери ва инновацияларни жорий этиш, сунъий интеллект, рақамлаштириш, биотехнологиялар, вакциналар ишлаб чиқиш соҳасидаги ҳамкорлиқни янада кенгайтириш бўйича мувофиқлаштирилган чора-тадбирларни қабул қилиш муҳимлиги таъкидланди.

Қўшма лойиҳа ва ташаббусларни илгари суриш мақсадида “БРИКС плюс” ишбилармон доиралари форумини йўлга қўйиш таклиф этилди.

Ўзбекистон Президенти транспорт-коммуникациялар соҳасидаги боғлиқликни кучайтириш ҳамда “Шимол — Жануб” ва “Ғарб — Шарқ” трансконтинентал йўналишларига минтақамизни жалб этиш ташаббусини илгари сурди.

БМТнинг бозорларда озиқ-овқат маҳсулотларининг барқарор ва очик ҳаракатини таъминлаш бўйича даъвати қўллаб-қувватланди.

Камбағаллиқни қисқартириш ва тадбиркорлиқни қўллаб-қувватлаш соҳасида дастурларни амалга ошириш, иқлим ўзгаришлари ва инсон салохиятини ривожлантириш бўйича кўп томонлама ҳамкорлиқни фаоллаштириш шериклигининг муҳим йўналишлари сифатида кўрсатиб ўтилди. Мамлакатимиз Университетлар лигаси ва Тармоқли университет каби БРИКС дастурларида иштирок этишдан, шунингдек, профессионал таълим ва ёшларга доир сўҳбат соҳасида ҳамкорлиқни кенгайтиришдан манфаатдор экани таъкидланди.

Ўзбекистон томони Шанхай ҳамкорлик ташкилоти раиси сифатида БРИКС ва ШХТнинг ўзаро амалий ҳамкорлик механизмларини ишлаб чиқишни ҳам таклиф этди.

Сўзининг якунида Президент Шавкат Мирзиёев “БРИКС плюс” шаклидаги мулоқотнинг ўтказилиши тезкор равишда умумий таҳдидларнинг олдини олиш, глобал барқарорлик ва мамлакатларимизнинг изчил тараққиётини таъминлаш йўлида иштирокчиларнинг интилишлари муштараклигини яна бир бор намоийш этганини таъкидлади.

Бошқа хорижий етакчиларнинг нутқларида ҳам глобал шериклиқни ва 2030 йилга қадар Барқарор ривожланиш соҳасидаги кун тартибини илгари суришда ўзаро манфаатли ҳамкорликни кенгайтириш муҳимлиги тўғрисида фикрлар билдирилди. Иқтисодиёт, инновациялар ва “яшил” технологиялар, савдо, транспорт ва коммуникациялар, экология, бошқа устувор соҳалардаги кўп томонлама мулоқотнинг истиқболли йўналишлари қайд этилди.

ЎЗА

Ўзбекистон Республикаси Президенти Матбуот хизмати сурати.

ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ ПРЕЗИДЕНТИ ШАВКАТ МИРЗИЁЕВНИНГ “БРИКС ПЛЮС” ФОРМАТИДАГИ ГЛОБАЛ ТАРАҚҚИЁТ МАСАЛАЛАРИ БЎЙИЧА ЮҚОРИ ДАРАЖАДАГИ МУЛОҚОТДАГИ НУТҚИ

Мухтарам Раис Жаноби Олийлари! Хурматли делегациялар раҳбарлари! Форумнинг барча иштирокчиларини кутлашдан бағоят хурсандман.

Ҳамкасбларимнинг сўзларига мамнуният билан қўшламан ва Хитой Халқ Республикаси Раиси Си Цзиньпин Жаноби Олийларига глобал тараққиёт масалалари бўйича юқори даражадаги мулоқотни ўтказиш ташаббуси ва унда иштирок этишга таклиф этгани учун чуқур миннатдорлик изҳор этаман.

Бугун “БРИКС плюс” форматидаги мулоқотнинг Барқарор ривожланиш кун тартибини илгари суришда инклюзив шериклик учун зарур платформани сифатида алоҳида аҳамиятга эга экани ҳақида билдирилган фикр-мулоҳазаларга тўлиқ қўшилиман.

Хурматли форум иштирокчилари!

Бугунги дунё қатор таҳликали жараёнлар билан кечаётган чуқур трансформация даврида яшамокда. Халқаро кескинлик тобора кучаймоқда ва тизимли иқтисодий инқироз белгилари намоён бўлмоқда. Бундай шароитда биз Ўзбекистонда “Инсон манфаатлари —

ҳамма нарсадан устун” деган тамойил асосида ислохотларни амалга оширишни изчил давом эттирялмиш.

Янги Ўзбекистонни барпо этишнинг асосий устувор йўналишлари давлат бошқарувини тақомиллаштириш, камбағаллиқни қисқартириш ва 2030 йилга бориб аҳолиси ўртачадан юқори даромад оладиган давлатлар қаторидан жой олиш, инклюзив ижтимоий тараққиётни таъминлаш, Марказий Осиё минтақасида яхши қўшничилик ва барқарорлиқни мустаҳкамлаш ҳисобланади.

Биз Барқарор ривожланиш мақсадларига биргаликда эришиш учун кенг кўламли халқаро шерикликка, шу жумладан, “Жануб — Жануб” форматидаги ҳамкорликка очикмиз ва бу йўлга содиқмиз.

Хурматли делегациялар раҳбарлари!

Жаҳон иқтисодиётида кузатилаётган инқирозли ҳолатлар бутун глобал савдо ва инвестициялар тизими учун тўсиқ яратмоқда.

Бундай шароитда:

— тўсиқларни бартараф этиш ва янги ишлаб чиқариш ва савдо-логистика занжирини яратиш;

— саноат кооперацияси бўйича лойиҳаларга

инвестициялар жалб этиш ва инфратузилмаларни модернизация қилиш;

— технологиялар трансфери ва инновацияларни жорий этиш, сунъий интеллект, рақамлаштириш, биотехнологиялар, жумладан, вакциналар ишлаб чиқариш соҳасида ҳамкорлиқни янада чуқурлаштириш бўйича мувофиқлаштирилган чора-тадбирларни қабул қилиш муҳимдир.

Қўшма лойиҳа ва ташаббусларни биргаликда амалга ошириш учун доимий бизнес мулоқот майдончаси — “БРИКС плюс” ишбилармон доиралари форумини йўлга қўйишни таклиф этаман.

Биз транспорт-коммуникациялар соҳасидаги боғлиқликни кучайтириш ҳамда “Шимол — Жануб” ва “Ғарб — Шарқ” трансконтинентал йўналишларига минтақамизни жалб этиш тарафдоримиз.

Бирлашган Миллатлар Ташкилотининг бозорларда озиқ-овқат маҳсулотларининг барқарор ва очик ҳаракатини таъминлаш бўйича қатъий ҳаракатларга чақирган даъватини қўллаб-қувватлаймиз. Бунда айнан жаҳон қишлоқ ҳўжалиги ишлаб чиқаришининг эллик фоизигача бўлган қисми ҳиссасига тўғри келаётган айнан БРИКС мамлакатлари муҳим роль ўйнаши зарур, деб ҳисоблаймиз.

Ушбу улкан салоҳиятдан озиқ-овқат маҳсулотларини етказиб бериш ва ундан фойдаланишнинг ишончли тизимларини шакллантириш мақсадида кооперацияни чуқурлаштириш учун фойдаланиш зарур.

Ҳамкорлиқнинг муҳим йўналишларидан бири — камбағаллиқни қисқартириш ва тадбиркорлиқни қўллаб-қувватлаш соҳасида дастурларни амалга оширишдир.

Шуни қайд этишни истардимки, Хитойнинг муваффақиятли тажрибасидан фойдаланган ҳолда биз сўнгги йилларда, ҳатто пандемия шароитида ҳам, аҳолиимизнинг ҳаёт даражасини реал ошириш ва ижтимоий қўллаб-қувватлашни кучайтириш имконига эга бўлдик.

Глобал жараёнларни ҳисобга олганда иқлим ўзгаришлари бўйича кўп томонлама ҳамкорлик янада долзарб бўлиб бормоқда.

Бу йўналишда қўллашга қарши курашиш, биохилма-хиллиқни сақлаб қолиш, сув балансини таъминлаш, “яшил иқтисодиёт” соҳасидаги лойиҳаларни амалга ошириш бўйича савдо-ҳаракатларни бирлаштиришни таклиф этамиз.

Инсон капитални ривожлантиришга зарур эътиборни қаратмасдан туриб инклюзив ўсишга эришиш мумкин эмас.

Биз Университетлар лигаси ва Тармоқли университет каби БРИКС дастурларида иштирок этишдан, шунингдек, профессионал таълим ва ёшлар сиёсати соҳасида ҳамкорлиқни кенгайтиришдан манфаатдоримиз.

Хурматли ҳамкасблар!

Ўзбекистон Шанхай ҳамкорлик ташкилотининг амалдаги раиси сифатида шериклигимизнинг устувор йўналишлари бўйича БРИКС ва ШХТнинг ўзаро амалий ҳамкорлик механизмларини ишлаб чиқишни таклиф этади.

Сўзимнинг якунида “БРИКС плюс” шаклидаги амалдаги мулоқотнинг ўтказилиши бизнинг тезкор равишда умумий таҳдидларнинг олдини олишга бўлган қатъий интилишларимизни яна бир бор намоийш этаётганини таъкидлашни истар эдим.

Бугун билдирилган ташаббусларнинг амалга оширилиши глобал барқарорлик ва мамлакатларимизнинг жадал тараққиёти йўлида муносиб хизмат қилишига аминман.

Эътиборингиз учун раҳмат.

БУЮК ЎЗБЕК ЙЎЛИ

ИЛДАМЛИК ҲОДИСАСИ

ЁХУД КОНСТИТУЦИЯМИЗ ИСЛОҲОТЛАРИДА ИНСОН ҚАДР-ҚИММАТИ ВА МАНФААТЛАРИ

Инсоният яралибдики, тараққий этишдан бир зум бўлса-да, тўхтаган эмас. Ибтидоий даврдан то бугунга қадар яшаш мақоми кўп бор ўзгарди. Саноғига етиб бўлмас ихтиролар, кашфиётлар қилинди. Улар баъзан хайрли, баъзан заҳматли ҳам бўлди. Дунёни таҳликага солувчи элементлар иқтидорга кирди. Лекин бир илоҳий мўъжиза шундаки, унинг таъсирида бу дунё ҳамон омон келмоқда. Бу — сўз. Тўғри ва мақбул сўз.

Дафъатан, фоний дунёни сўз бошқаради, десак таажжубга тушмасмиз. Босиси, сўз Аллоҳ таолонинг инсонга ато этган энг улўғ неъматларидан бири. У муомалага чиқибдики, тафаккур қуроли, бандалик вазифасини адо этиш омилига айланган.

▶ Давоми 3-бетда

БОБУР ХАЛҚАРО ФОНДИ ВА ИЛМИЙ ЭКСПЕДИЦИЯСИНИНГ 30 ЙИЛЛИГИ

“МАРДОНАЛИҒИНГИЗНИ БОРИ ЭЛ БИЛДИ”

1992 йил миллий маънавий ҳаётимизда муҳим воқеалардан бири юз берди. Буюк аждодларимизнинг илмий-адабий меросини ўрганиш, хорижда дафн этилган ота-боболаримизнинг қабр ва қадамжоларини аниқлаш ва ободонлаштириш, қўлёзмаларни Ватанимизга олиб келиб илмий истеъмолга киритиш каби хайрли ва улўғвор ишларни мақсад қилиб Бобур номидаги халқаро жамоат фонди ҳамда унинг илмий экспедицияси ташкил этилди.

Бугун, орадан 30 йил вақт ўтиб, фонд ва унинг илмий экспедицияси амалга оширган ишларга назар ташлар эканмиз, кўз олдимизда тўлақонли илмий-тадқиқот институти ёҳуд кичикроқ бир академия жонлангандек бўлади.

Фонднинг бевосита иштроки билан шу кунгача ўнлаб машҳур шоир ва алломалар, давлат ва жамоат арбоблари ҳаёти ва ижоди, илмий фаолиятларига доир изланишлар бажарилиб, мингга яқин нодир қўлёзма ва китобнинг асл нусхалари юртимизга олиб

келинди. Шунингдек, “Бобурнома”нинг тўртта наشري, “Заҳириддин Мухаммад Бобур энциклопедияси”, “Ҳабиб ус-сияр”, “Заҳириддин Мухаммад Бобур. Бабуриди. Библиография” каби элликка яқин китоб чоп этилгани, Бобур номидаги халқаро муқофот таъсис этилиб, ҳозирга қадар ўнлаб ўзбекистонлик ва хорижий олимۇ адиб ушбу муқофот билан тақдирлангани — булар икки оғиз жумлада айтиб ўтилидиган мисоллар бўлса-да, уларнинг ортида чекилган заҳмату машаққатни, тунларни тонларга, тонларни шомларга ўлаб қилинган меҳнатни тасаввур этишимиз қийин эмас.

▶ Давоми 6-бетда

ПРЕЗИДЕНТ ҚАРОРЛАРИ — ҲАЁТДА ВА НАЗОРАТДА

АГРАР ВА ОЗИҚ-ОВҚАТ СОҲАЛАРИНИ РИВОЖЛАНТИРИШГА ҚАРАТИЛГАН ЧОРА-ТАДБИРЛАР ИЖРОСИНИ ТАЪМИНЛАШ — ЭРИШИЛАДИГАН НАТИЖАЛАР ПОЙДЕВОРИ

Улуғбек ЖАВЛИЕВ,
Вазирлар Маҳкамасининг Аграр ва озиқ-овқат соҳаларини ривожлантириш масалалари котибияти мудири ўринбосари

Бугун озиқ-овқат хавфсизлиги дунё мамлакатлари олдига турган энг долзарб вазифалардан биридир. БМТ ҳам озиқ-овқат маҳсулотлари етиштириш ва уларни тақсимлаш бўйича ёндашувни мутлақо ўзгартириш вақти келганини таъкидламоқда.

Озиқ-овқат хавфсизлиги Ўзбекистоннинг ҳам мустақиллиги, ижтимоий-иқтисодий ва сиёсий барқарорлигини таъминлаш гарови ҳисобланади. Юртимизда бу масала ҳамон долзарблигини йўқотмаган. Зеро, аини пайтда озиқ-овқат маҳсулотларига талаб ошяпти, аҳоли сони ўсиши асносида жон бошига истеъмол кўпаймоқда.

Шу боис, сўнгги йилларда мамлакатимизда озиқ-овқат хавфсизлигини таъминлаш, қишлоқ хўжалиги маҳсулотлари сифати ва экспорт салоҳиятини оширишга ёндашув мутлақо ўзгарди, давлат сиёсатининг устувор йўналишига айланди.



рини яратиш, соҳада агрокластерлар ва кооперацияларни ташкил этиш ҳамда маҳсулот етиштирувчиларни қўллаб-қувватлаш бўйича кенг қўламли ислохотлар амалга оширилди.

Хусусан, қишлоқ хўжалигини ривожлантириш, ислох қилиш ва модернизациялаш бўйича 2017–2022 йилларда 18 та қонун, Президентнинг 31 та фармони ва 158 та қарори, ҳукуматнинг 189 та қарори қабул қилиниб, ислохотларнинг ҳуқуқий асослари белгилаб берилди.

Хар қандай давлат органи ва ташкилот фаолияти натижадорлигини таъминловчи энг муҳим ҳамда асосий иш кўрсаткичларидан бири ижро интизомидир.

Шу билан бирга, 2022 йил II ярим йиллигида “Ijro.gov.uz” электрон тизимида яна 1521 та топшириқ ижросини бугундан бошлаб таъминлашимиз керак. Албатта, ушбу катта режаларни амалга оширишда ҳар бир раҳбар ва мутахассиснинг қатъий ижро интизomi ва шахсий жавобгарлиги муҳим аҳамиятга эга бўлади.

Кези келганда, 2022 йил I-ярим йиллигида озиқ-овқат маҳсулотларини янада кўпайтириш борасида бажарилаётган ишларга алоҳида тўхталиб ўтиш ўринли.

Албатта, қабул қилинган ушбу муҳим ҳужжатлар ижросини таъминлашга Вазирлар Маҳкамасининг Аграр ва озиқ-овқат соҳаларини ривожлантириш комплекси ва унинг таркибига кирувчи вазирликлар, давлат қўмиталари, инспекциялар ва хўжалик бирлашмалари алоҳида эътибор қаратмоқда.

Ўзбекистон Президентининг 2021 йил 10 февралдаги “Қонунчилик ҳужжатлари ижросини самарали ташкил этишда давлат бошқаруви органлари ва маҳаллий ижро этувчи ҳокимият органлари раҳбарларининг шахсий жавобгарлигини кучайтиришга доир қўшимча чора-тадбирлар тўғрисида”ги фармони ҳамда 2021 йил 31 майддаги “Ijro.gov.uz” ижро интизomi идоралараро ягона электрон тизими самарали фаолият кўрсатишини таъминлашга қаратилган қўшимча чора-тадбирлар тўғрисида”ги қарори билан тасдиқланган механизм асосида комплексимизга юклатилган вазифалар ижросини тўлақонли таҳлил қилиш имконияти яратилди.

Таҳлилларга кўра, “Ijro.gov.uz” электрон тизимида 2022 йилда комплексимизга кирувчи вазирлик ва идораларга жами 2867 та топшириқ ижросини таъминлаш белгиланган.

Жорий йил январь-июнь ойларида жами 1346 та топшириқ берилган бўлиб, 24 июнь ҳолатига 1326 таси (98,6%) бажарилган. 25 июнь — 1 июль давомида яна 20 та топшириқ ижросини таъминлашимиз лозим бўлади.

Шу билан бирга, 2022 йил II ярим йиллигида “Ijro.gov.uz” электрон тизимида яна 1521 та топшириқ ижросини бугундан бошлаб таъминлашимиз керак. Албатта, ушбу катта режаларни амалга оширишда ҳар бир раҳбар ва мутахассиснинг қатъий ижро интизomi ва шахсий жавобгарлиги муҳим аҳамиятга эга бўлади.

Кези келганда, 2022 йил I-ярим йиллигида озиқ-овқат маҳсулотларини янада кўпайтириш борасида бажарилаётган ишларга алоҳида тўхталиб ўтиш ўринли.

“

2022 йил II ярим йиллигида “Ijro.gov.uz” электрон тизимида яна 1521 та топшириқ ижросини бугундан бошлаб таъминлашимиз керак. Албатта, ушбу катта режаларни амалга оширишда ҳар бир раҳбар ва мутахассиснинг қатъий ижро интизomi ва шахсий жавобгарлиги муҳим аҳамиятга эга бўлади.

2019 йилда Ўзбекистон Республикаси қишлоқ хўжалигини ривожлантиришнинг 2020–2030 йилларга мўлжалланган стратегияси қабул қилинди ва устувор йўналишлар, вазифалар белгилаб олинди.

Мазкур муҳим ҳужжатдаги устувор вазифаларни амалга ошириш ҳар бир ижроқилдан алоҳида масъулият талаб этади. Чунки назарда тутилган вазифалар, амалиётга татбиқ этилаётган қатор янгилликлар мамлакатимиз тарихида аввал ҳеч қуватилмаган.

Чунончи, стратегия билан давлат бююртмаси асосида пахта хомашёси ва бошоқли дон етиштириш ҳамда ушбу маҳсулотларга давлат томонидан қатъий харид нархини белгилаш амалиёти бекор қилиниши инқилобий аҳамият касб этди.

Шунингдек, тегишли ҳужжатлар ижросини таъминлаш ишлари доирасида 2019–2021 йилларда жами 455 минг гектардан ортиқ ер фойдаланишга киритилди ва 788 минг гектар ерда сув тежовчи технология жорий қилинди.

Қишлоқ хўжалиги ишлаб чиқаришини диверсификациялаш ва озиқ-овқат хавфсизлигини таъминлаш мақсадида 2017–2020 йилларда паст рентабелли жами 330,5 минг гектар пахта ва ғалла майдони қисқартирилиб, ўрнига юқори даромадли ва экспортбоп маҳсулотлар етиштириш йўлга қўйилди.

Жорий йилда қишлоқ ёшларининг ижтимоий муаммоларини ҳал этиш ва бандлигини таъминлаш учун уларга деҳқон хўжалигини юритишга ер ажратиш, тажрибали деҳқонлар кўрсатмаси бўйича қишлоқ хўжалиги маҳсулотлари етиштиришнинг янги тизими жорий қилинди.

Жумладан, ўтган йилда республика бўйича 31,3 мингдан зиёд фермер хўжалиги ва агрокластер тасарруфидидаги 175,2 минг гектар суғориладиган экин ери деҳқончилик билан шуғулланиш учун “Аёллар дафтари”, “Ёшлар

дафтари”га киритилган 613 519 нафар ёшга ажратиб берилди ва 758,4 минг фуқаронинг бандлиги таъминланди.

Ер ажратишда давлат иштирокини камайтириш (бюрократик тўсиқлар), деҳқон хўжалигини юритиш учун ер ажратиш тизимини такомиллаштириш ҳамда 2021 йилда бошланган ер ислохотларининг ҳуқуқий асосларини мустаҳкамлаш мақсадида Ўзбекистон Президентининг тегишли фармонлари қабул қилиниб, инсон омилсиз электрон ер ажратишнинг аниқ механизмлари белгилаб берилди.

2022–2025 йилларда пахта ва ғалладан қисқартирилган паст ҳосилли 200 минг гектар, шундан 2022 йилда фуқароларга деҳқон хўжалигини ташкил этган ҳолда сабзавотчилик, полиз, дуккакли ва мўйли экинлар ҳамда картошка етиштириш учун 80 минг гектар ер 0,1 гектардан 1 гектаргача ўлчамда очик электрон танлов орқали ижарага берилмоқда.

Бугунги кунга “Е-AUKSION” электрон савдо платформасида танловга қўйилган майдонларнинг 62,5 минг гектари ўртача 20 сотихдан деҳқон хўжалиги ташкил этиш учун 315 минг гектарга ажратилди.

Бунда ер, биринчи навбатда, ҳудудларда шакллантирилган “Темир дафтар”, “Аёллар дафтари” ва “Ёшлар дафтари”да рўйхатда турган эҳтиёжманд оилаларга очик электрон танловлар асосида ажратилмоқда.

2017–2021 йилларда ўзлаштирилган ва палми ҳамда пахта ва ғалладан қисқартирилган ерлар ва яроқсиз боғ-тоқзорлар ўрнига жами 136 минг гектар интенсив боғ ва 98 минг гектар тоқзор барпо этилди. Шунингдек, фермер хўжаликлари ва қишлоқ хўжалиги корхоналари томонидан жами 4,4 минг гектар ерда замонавий иссиқхоналар ташкил этилиб, улар майдони 5,5 минг гектарга етказилди.

Аграр соҳада кластер усулида фаолият юритиш тизими илк бор 2017 йилда пахтачиликда жорий этилиб, 2022 йилга келиб 632 та агросаноат кластери фаолияти самарали йўлга қўйилди, 134 та пахта-тўқимачилик кластерига 1034 гектар (100 фоиз), 200 та ғаллалчилик кластерига 1038 гектар (100 фоиз), 249 та мева-сабзавотчилик кластерига 206 минг гектар (65 фоиз), 41 та шопчилик кластерига 165 минг гектар ва 8 та доривор-

чилик кластерига 1406 гектар ер бириктирилди.

Қишлоқ хўжалигида таълим, илм-фан, ишлаб чиқариш ҳамда агрохизматлар кўрсатишнинг узвий тизимини чамбарчас боғлаш мақсадида Қишлоқ хўжалигида билим ва инновациялар миллий маркази ҳамда Тошкент вилоятида Агрохизматлар маркази ташкил этилди.

Ушбу марказларда 100 дан ортиқ агрохизмат кўрсатиш ҳамда “даладан истеъмолгача” тамойили асосида халқаро сифат стандарти ва сертификатларини жорий этиш чоралари кўрилмоқда.

Амалга оширилган тизимли ва изчил ислохотлар натижасида 2022 йил январь-май ойларида қишлоқ, ўрмон ва балиқчилик маҳсулотлари ишлаб чиқариш ҳажми 2021 йилнинг шу давридагига нисбатан 105 фоиз ошди ва қарийб 135 триллион сўмлик маҳсулот тайёрланди.

Соҳада эришилган катта натижалар ва ютуқларнинг замирида қабул қилинган қонунчилик ҳужжатлари ва Президентимиз томонидан берилган топшириқлар дастуруламал бўлмоқда.

Жорий йил 20-июнь кўни давлатимиз раҳбари Ўзбекистон Республикаси Конституциясига ўзгартириш киритиш ва ташкилий чора-тадбирларни амалга ошириш юзасидан Конституциявий комиссия аъзолари билан ўтказилган учрашувда Асосий қонунимизга “қишлоқ хўжалиги ва ўрмон фонди ерлари давлат тасарруфидида бўлиб, тадбиркорлик субъектларига ижара шартномаси асосида берилди” мазмунидagi нормани киритиш тақлиф этилди.

Бу, албатта, ер ресурсларидан оқилона ва самарали фойдаланишга, тупроқ унумдорлигини оширишга ҳамда ер деградациясининг олдини олишга қаратилган ҳуқуқий асосларни янада мустаҳкамлаб беради.

Мазкур ҳаётий топшириқлар ижроси комплексимиз томонидан қатъий тартиб ва интизом асосида тизимли ташкил этилмоқда. Ижро интизomiга тўлиқ амал қилишнинг мустаҳкам ҳуқуқий асослари яратилган. Бу эса қатъий назорат ва масъулият қонун ҳужжатлари ва топшириқлари ижросини таъминлаш ҳамда мамлакатимизда барқарор иқтисодий ўсиш кўрсаткичларига эришиш имконини беради.

ЎЗБЕКИСТОННИНГ ХАЛҚАРО ВА МИНТАҚАВИЙ ТАШКИЛОТЛАРДАГИ ФАОЛ ЎРНИ

САВДО, ХАВФСИЗЛИК СОҲАЛАРИДА ҲАМКОРЛИКНИ СИФАТ ЖИҲАТИДАН РИВОЖЛАНТИРИШГА ХИЗМАТ ҚИЛМОҚДА

Ўзбекистон Президенти Шавкат Мирзиёевнинг 24 июнь кўни Хитой томони раислигида ўтган “БРИКС плюс” форматидagi Глобал тараққиёт масалалари бўйича юқори даражадаги мулоқотда илгари сурган ташаббуслари халқаро эксперт доираларида катта қизиқиш уйғотди.

“

Ўзбекистоннинг халқаро ва минтақавий ташкилотлар доирасидаги фаол ўрни, шубҳасиз, БРИКСга аъзо давлатлар ва олий даражадаги мулоқотнинг бошқа иштирокчилари ўртасида савдо, сармоя, хавфсизлик соҳаларидаги ҳамкорликни сифат жиҳатидан ривожлантиришга хизмат қилади.

Денг ХАО,
Шанхай ҳамкорлик ташкилотини ўрганиш маркази бош котиби:

— Ўзбекистон Президенти Шавкат Мирзиёевнинг “БРИКС плюс” шаклида бўлиб ўтган Глобал ривожланиш масалалари бўйича юқори даражали мулоқотдаги иштироки муҳим воқеа бўлди ҳамда Хитойдаги эксперт ва таҳлил доиралари, жумладан, марказимиз вакилларининг алоҳида эътиборини тортди.

Ўзбекистон Президенти нутқининг мазмунини диққат билан ўрганиб чиқдим. Шавкат Мирзиёев томонидан илгари сурилган БРИКС ва ШХТ ўртасидаги амалий ҳамкорлик механизмларини ишлаб чиқиш бўйича ташаббус ўзаро муносабатлар майдонини кенгайтириш нуктаи назаридан муҳим аҳамиятга эга. ШХТ ва БРИКСнинг ҳамкорлигининг устувор масалалари бўйича ўзаро алоқалари янги имкониятлар очади, хусусан, савдо-иқтисодий жараёнлар ва сармоя оқимини рағбатлантириш мумкин.

Тошкент ва Пекин ўртасидаги кўп томонлама форматлар, жумладан, “БРИКС плюс” механизми доирасидаги



ўзаро ҳамкорликни чуқурлаштириш Ўзбекистон ташқи сиёсатида мутаносиб, мувозанатли ва прагматик ёндашувни таъминлашнинг мантикий давоми ва муҳим омилдир.

Ли ЦЗИГО,
Хитой Халқаро алоқалар академиясининг Евроосий тадқиқотлари бўйича директори:

— “БРИКС плюс” саммити БРИКСга аъзо давлатлар ва ривожланаётган мамлакатларнинг устувор йўналишларда ўзаро манфаатли алоқаларни мустаҳкамлаш истагини намоиш этди. Ўзбекистоннинг халқаро ва минтақавий ташкилотлар доирасидаги фаол ўрни, шубҳасиз, БРИКСга аъзо давлатлар ва олий даражадаги мулоқотнинг бошқа иштирокчилари ўртасида савдо, сармоя, хавфсизлик соҳаларидаги ҳамкорликни сифат жиҳатидан ривожлантиришга хизмат қилади.

Бугунги кунда халқаро сиёсий ва иқтисодий вазият тобора кескинлашиб бормоқда, маҳаллий моҳирлар ва беқарорлик хавфи ортмоқда. Иқтисодий глобаллашув жараёни жиддий муаммоларга дуч келди, савдо протекционизми кучайди, минтақавий моҳирлар хавфи ортди.

Шу нуктаи назардан, БРИКС мамлакатлари ва Ўзбекистон раислик қилаётган ШХТ халқаро ҳамкорлигининг муҳим иштирокчилари сифатида дунёдаги тинчлик, очилик, инклюзивлик ва тараққиётни сақлашда янада фаолроқ роль ўйнаши керак.

Президент Шавкат Мирзиёевнинг савдо-иқтисодий алоқаларни жонлантириш чора-тадбирларини кучайтириш, энг аввало, тўсиқларни бартараф этиш, янги ишлаб чиқариш ва савдо-логистика занжирларини яратиш, саноат кооперацияси лойиҳаларига сармоялар жалб этиш, инфратузилмани



модернизация қилиш, янги ишлаб чиқариш ва савдо-логистика тармоқларини яратиш, савдо-иқтисодий алоқаларини ривожлантириш, технологияларни узатиш ва инновацияларни жорий этиш, сунъий интеллект, рақамлаштириш ва биотехнологиялар соҳасида ҳамкорликни чуқурлаштиришга доир ташаббуслари катта қизиқиш уйғотмоқда.

Рақамлаштиришни ривожлантириш ташаббуси ҳам эътиборга лойик. Бунга “БРИКС плюс” формати доирасидаги савдо-иқтисодий ҳамкорлигининг муҳим двигатели сифатида қаралмоқда. Пандемия ва савдо алоқаларини жонлантириш зарурати шароитида барча томонлар электрон тижорат, онлайн савдо, юқори сифатли қишлоқ хўжалиги маҳсулотлари импорти ва экспортини кенгайтириш, 5G ва катта маъlumотлар соҳасидаги ҳамкорликни қўллаб-қувватлаш учун барча саъй-ҳаракатларни амалга ошириши керак.

Солиҳ ЙИЛМАЗ,
Россия ва МДХ давлатларини ўрганиш институти директори (Туркия):

— Ўзбекистон раҳбарининг нутқини катта қизиқиш билан қулатдим. Шавкат Мирзиёев Президентлик фаолиятининг дастлабки кўнлариданоқ фуқароларнинг муносиб турмуш даражасини таъминлаш, қашшоқликни камайтириш ва мамлакат аҳолиси даромадларини ошириш, шунингдек, Марказий Осиё минтақасида тинчлик ва барқарорликка эришишни устувор вазифалар, деб белгилади.

Янги Ўзбекистонда қисқа муддатда ана шу мақсадларга эришиш йўлида қўйилган аниқ қадамлар, қўрилган амалий чора-тадбирлар ўзининг ижобий натижаларини бераётганига жаҳон ҳамжамияти гувоҳ бўлмоқда.

Шу ўринда алоҳида таъкидламоқчиманки, Ўзбекистонда “Инсон манфаатлари — ҳамма нарсадан устун” тамойили асосидаги ислохотлар Барқарор ривожланиш мақсадларининг “Ҳеч кимни ортада қолдирмаслик” асосий тамойили билан ҳамохандир ва замон талаблари руҳида амалга оширилмоқда.

Президент Шавкат Мирзиёев ўз нутқида Ўзбекистон “Инсон манфаатлари — ҳамма нарсадан устун” тамойили асосида кенг қўламли ислохотларни изчил давом эттиришини таъкидлади. Бундан ташқари, Ўзбекистон раҳбари давлат бошқарувини такомиллаштириш, 2030 йилгача камбағалликни камайтириш ва ўртача даромаддан юқори бўлган мамлакатлар қаторига қўшилиш, гендер тенглик ва ижтимоий кафолатларни таъминлаш,



Марказий Осиё минтақасида яхши кўшничилик ва барқарорликни мустаҳкамлаш Янги Ўзбекистон қурилишининг асосий устувор йўналишлари бўлишини юксак минбардан туриб таъкидлади.

Ишончим комилки, бугунги тараққиёт суръатлари ва мамлакатда ҳаётга татбиқ этилаётган кенг қўламли ислохотларни ҳисобга олган ҳолда, Ўзбекистон 2030 йилга бориб ўз олдига қўйган мақсадларига, жумладан, фуқароларнинг даромад даражасини ўртача кўрсаткичдан оширишга эришади. Чунки республикадаги барча ўзгаришларнинг асосий мақсади барқарор ривожланиш асосида Ўзбекистон аҳолисининг фаровонлиги ва турмуш сифатини изчил оширишдан иборат.

“Дунё” АА

БУЮК ЎЗБЕК ЙЎЛИ

ИЛДАМЛИК ҲОДИСАСИ

ЁХУД КОНСТИТУЦИЯМИЗ ИСЛОҲОТЛАРИДА ИНСОН ҚАДР-ҚИММАТИ ВА МАНФААТЛАРИ



Қаландар АБДУРАҲМОНОВ, академик

Бошланиши 1-бетда

Жалолиддин Румийнинг “Ичиндаги ичиндадир” асарида жуда ҳикматли бир ривоят бор: “*Ҳазрати Усмон розияллоҳу анҳу халифа бўлиши билан минбарга чиқди ва халқ: “Ажабо, нима дер экан?” деб кутди. Бироқ Ҳазрати Усмон индамади. Ақалли бир сўз айтмади. Фақат боқди ва халқда шундай бир ҳол пайдо бўлдики, ҳеч кимда ташқарига чиқишга мадор қолмади. Шу вақтгача қилинган юзлаб хутбалар чоғи бундай ҳол ҳосил бўлмаган, мўминлар бундай ҳол соясида ўзлари учун фойда ва сирларни ҳеч қачон бунчалик кўп қашф этмаган эди. Усмон розияллоҳу анҳу йилги тугаунча гапирмади. Фақат минбардан тушаётганнида: “Сиз учун фаол иймон маҳмадона иймондан ҳайрлидир”, деди. У ҳақ гапни айтди. Чунки сўз айтмоқдан мақсад бир фойда бермоқ, қалбга таъсир этмоқ, ахлоқни ўзгартирмоқ ва ҳоказо яхшиликлар қилмоқдир. Ҳолбуки, Ҳазрати Усмон лом-шим демасдан, гапирган вақтидагидан кўпроқ фойда келтирди”.*

Сўзнинг яна бир қудрати бор, **бу — илдамлик ҳодисаси**. Яхши ва фойдали тadbирларнинг боши, албатта, фикр қилишдан, уни ифода этишдан нурланади. Юқорида дунени сўз бошқаради, деганимиз асл маъноси ҳам шунда, аслида. Зеро, ҳамма замонда фикрни етказиш билан мажбуллик чекинган ва мақсадга эришилган. Бугун ҳам шундай, фақат фикрлаш уҳдасиyo ҳаёт тамойиллари бошқача. Тахликали давр шиддати беашафат. Тиркиликнинг ўзи бир оғир қисмат бўлиб турган бу замонда адолат тамойилларига амал қилиш, меҳр-оқибатли бўлиш, давлатлараро муносабатларни мезонлаштириб ёки тийиб туриш гоят уddaборонлиқни, нуқтадонлиқни талаб қилади.

Ҳа, шу тарика бугун гоғлар кураши авж олган. Сиёсат туси анча жиддийлашган. Бунинг ҳам қатор сабаблари борга ўхшайди, назаримизда.

Аввало, глобаллашув жараёни, техника тараққиёти эҳтиёжи. Бу ўз-ўзидан катта иқтисодий рақобатни келтириб чиқаради. Бу шундай рақобатки, уни тасаввур қилиш учун бутун мамлакатнинг бугунги ва яқин келажақдаги тақдирини ҳамда бирор давлат халқининг фаровонлиги ёки камбағаллик даражаси билан ўлчашга тўғри келади. Демак, мана шу эҳтиёж ва замон талаби фондида ҳар бир давлат ўз бошқарув тизимларини, сиёсий, ижтимоий-иқтисодий тамойилларини тубдан қайта қўриб чиқишга мажбур. Йўқса, давр тўфонидида “чангга беланиб” қолиши ҳеч шубҳасиз.

Навбатдаги сабаб экологик ўзгаришларга бориб тақалади. Бугунги экологик манзара дунё мамлакатлари ижтимоий-иқтисодий ҳаётини тубдан ўзгартириб юборди. Биргина аграр тармоқда катта ўзгаришларга сабаб бўлмоқда. Пировардида дунё миқёсида озиқ-овқат хавфсизлиги ва аҳолига сифатли озиқ-овқат етказиб бериш масаласи кун тартибидан тушмай қолди.

Бундан ташқари, иқлим ўзгаришлари янги инновацион гоғларни ҳаётга тезроқ татбиқ этишни, очилмаган имкониятларни топишни, озиқ-овқат етиштиришнинг табиатга мос усулларини ўлғаштиришни олдимизга жуда муҳим, ҳеч кечиктириб бўлмайдиган вазифа сифатида қўймоқда.

“

ПРЕЗИДЕНТИМИЗ “СИЁСАТНИ ХАЛҚҚА ЯҚИНЛАШТИРИШ ДАВРИ КЕЛДИ”, ДЕБ КЎП БОР АЙТГАН ВА УНИНГ АМАЛИЙ ИФОДАСИНИ ДАВЛАТ БОШҚАРУВИ ТИЗИМИДАГИ ТУБ ЎЗГАРИШЛАРДА ҲАР БИРИМИЗ КЎРИБ ТУРИБМИЗ. ШУ ЎРИНДА ЯНА БИР МУЛОҲАЗАГА ЙЎЛ ОЧИЛАДИ: КОНСТИТУЦИЯ, БУ, ЭНГ АВАЛЛО, МУАЙЯН ЗАМИНДА ДУНЁГА КЕЛГАН ИНСОНЛАРНИНГ МУНОСИБ ЯШАШ ҲУҚУҚИ, ДЕГАНИ. ШУНДАЙ ЭКАН, ЯНГИ ЎЗБЕКИСТОНДА БАРҚАРОР ЖАМИЯТНИ ВА ИШОНЧЛИ ТАРАҚҚИЁТНИ ЯРАТИШ БАРЧАМИЗНИНГ БОШ МАСЛАҒИМИЗ, МАҚСАДИМИЗ БЎЛИШИ КЕРАК.

Шундай мураккаб шароитда замону сиёсат бир томон, табиат ҳукми бир томон бўлиб турган экан, ҳар бир давлат, аввало, ўз халқининг хавфсизлиги, ҳаёти фаровонлигини таъминлашга масъул бўлиши кундек равшан.

Илм-фан, таълим мезонлари ўзгариши ҳам давлатлараро муносабатларга жиддий таъсир кўрсатмоқда. Бу нималарда намоён бўлади? Шақшубҳасиз, аввало, гоғлар курашида. Ўзи илм-фан, моҳиятан олганда, гоғ дегани. Шу боис, миллатнинг маърифий юксалиши мемориал тус касб этади.

Қолаверса, бугунги тараққиётни, ҳеч бир соҳани илмсиз тасаввур қилиш мумкин эмас. Мана шу мезонлар ҳар бир давлат ва унинг раҳбари олдига ёш авлод таълим-тарбиясидек ҳал қилувчи масалага жиддий ёндашмоқ заруратини қўймоқда. Бунда, албатта, инсон капиталига йўналтирилаётган сармоя муҳим.

Ниҳоят, инсон, жамият, оламнинг ўзгариш тенденциялари. Ҳозир биз санаган уч сабаб жамият ва олам ўзгариши, дунёқарашлар шунга мос шаклланишига туртки беради. Бу ерда гап замонга мослашув, ихтисослашув масаласида кетмоқда. Яъни “замон сенга боқмаса, сен замонга боқ” қабилида иш кўришдан бошқа чора йўқ.

Албатта, яшаш тенденциялари ўзгариши, ўз навбатида, янгича ёндашувларни талаб қилади. Бу эса давлат бошқаруви тизимида ислохот сўрайдиган жараёндир. Гоғат масъулиятли ва бир қарорда ҳам адашиш мумкин бўлмаган жараён.

Мана шу сабабларнинг ўзиёқ бугун яшаш тамойилларини ўзгартиришни талаб қилади. Демак, Ўзбекистон Конституциясига ўзгартириш киритиш шунчаки ислохот учун қилинаётган тadbир эмас, балки биз юқорида санаган тахликали сабабларга қарши кўрилаётган катта эҳтиёж талабидир. Янада соддароқ айтганда, халқимиз турмуш шароитини яхшилаш, турли халқаро муносабатларга бардош бериш ва замонга мослашиш мезонлари билан суғорилган ҳаракат, дейиш мумкин. Шу маънода, Конституцияга ўзгартириш киритиш бугун халқимизнинг яхши ва муносиб яшашга бўлган интилиши, хоҳиш-истаги маҳсули, десак тўғри бўлар.

Ниҳоят гоғлар кураши авж олиши, сиёсат туси жиддийлашгани билан боғлиқ сабабларга қарши кўрилаётган чора-tadbирларнинг бош асосини Ўзбекистон Конституциясига киритилаётган ўзгартиришларда кўришимиз мумкин.

Президентимиз жорий йил 20 июнь куни Конституциявий комиссия аъзолари билан учрашувда бежиз тўрт муҳим йўналиш асосида ўз тақлиф ва мулоҳазаларини билдирмади. Чукүрроқ ва кенроқ фикрлаб, дўппини ёнга ташлаб уйлаб қарасак, бу йўналишларнинг барчаси ҳам келгуси ҳаётимиз, келажақ авлодларимиз фаровон тақдирини билан чамбарчас боғлиқ эканини кўраимиз.

Албатта, бу тўрт йўналиш ва уларда илгари сурилган тақлифларнинг барчасини бир нафасда шарҳлаш ёки бир мақолага сифдириш имконсиз. Шу боис, бугун уларнинг айримлари, хусусан, ўзимизга яқин олиб, моҳиятини ҳис қилган жиҳатлар ҳақида муносабат билдиришга жазм этдик.

Бундан олдин эса айтиш жоизки, айрим юртдошларимизни, ҳатто олимларимизни ҳам Конституцияга нима учун ўзгартириш киритиш зарурати уйлантириб келаётгани бор гап эди. Бунинг

аҳамияти қанчалик муҳим эканини Президентимизнинг Конституциявий комиссия аъзолари билан учрашувдаги нутқини ўқигач, барчамиз яхши англаб олдик.

Хуллас, давлатимиз раҳбари иккинчи йўналиш сифатида **Асосий қонунимизда “Ўзбекистон — ижтимоий давлат”** деган тамойилни мустаҳкамлаш тақлифини илгари сурди ва бу энг кўп фикрлар жамланмасидан иборат бўлишни ташкил этди.

Тараққиётнинг кўп асрлик тажрибаси кўрсатадики, хусусий мулксиз, унинг ишончли қафолатисиз кучли ижтимоий давлатни қўриб бўлмайд.



“

“ИНСОН ҚАДРИ” ТУШУНЧАСИ “ИЖТИМОЙ ДАВЛАТ” ТУШУНЧАСИ БИЛАН ЧАМБАРЧАС БОҒЛИҚДИР. УШБУ ҒОЯНИНГ ТУБ НЕГИЗИДА ҲАМ, АВАЛЛО, ИНСОН ҚАДРИНИ УЛУҒЛАШ, ИНСОНГА ХИЗМАТ ҚИЛИШДЕК ОЛИЖАНОБ МАҚСАД МУЖАССАМДИР. ИЖТИМОЙ ДАВЛАТ ҲАР БИР ИНСОН УЧУН ИЖТИМОЙ ТЕНГЛИК ВА АДОЛАТ ПРИНЦИПЛАРИ АСОСИДА МУНОСИБ ЯШАШ ШАРОИТЛАРИНИ ЯРАТИБ БЕРАДИ. У — ИЖТИМОЙ ТАФОВУТЛАРНИ КАМАЙТИРИШ, МУҲТОЖЛАРГА ЁРДАМ БЕРИШ БЎЙИЧА САМАРАЛИ СИЁСАТ ОЛИБ БОРАДИГАН ДАВЛАТ МОДЕЛИДИР”, ДЕДИ ДАВЛАТИМИЗ РАҲБАРИ.

“Инсон қадри” тушунчаси “ижтимоий давлат” тушунчаси билан чамбарчас боғлиқдир. Ушбу гоғнинг туб негизидида ҳам, аввало, инсон қадрини улуғлаш, инсонга хизмат қилишдек олижаноб мақсад мужжассамдир. Ижтимоий давлат ҳар бир инсон учун ижтимоий тенглик ва адолат принциплари асосида муносиб яшаш шароитларини яратиб беради. У — ижтимоий тафовутларни камайтириш, муҳтожларга ёрдам бериш бўйича самарали сиёсат олиб борадиган давлат моделидир”, деди давлатимиз раҳбари.

Бундан англаш керакки, янги Ўзбекистонда бошланган халқпарвар сиёсат ҳеч қачон ортга қайтмайди ёки тўхтаб қолмайди. Аксинча, янада қизгин,

янада жозибали бўлиб давом этади. Чунки энди биз ижтимоий давлат асослари ва мақсадларини конституциявий даражада мустаҳкамлаб қўймоқдамиз.

Агар биз Асосий қонунимизда мустаҳкамлаётган ижтимоий давлат моделига эътибор қаратадиган бўлсак, **“уй-жойга муҳтожлар ҳеч хавотирланмасин, чунки аҳолини арзон ва сифатли уй билан таъминлаш сиёсати бундан кейин ҳам давом этаверади”**, дейиш мумкин. Боиси, энди Конституцияимизда фуқароларимизнинг уй-жойга бўлган ҳуқуқларини ҳимоя қилиш, унинг дахлсизлигини қафолатлаш, аҳолининг барча қатламлари, айниқса, муҳтож тоифаларни уй-жой билан таъминлаш бўйича давлатнинг мажбуриятлари мустаҳкамланган.

Бош қонунимизда хусусий мулк ҳимоясини таъминлаш учун зарур бўлган конституциявий қафолатларнинг қучайтирилиши ҳар бир фуқаро, ҳар бир тadbиркор доимо давлат, Конституция, қонунлар ҳимоясида бўлишини амалда таъминлайди. Инсонларга, мулкдорларга суд қарорисиз, адолатли томон пулисиз мулкидан махрум этилмаслик қафолатини беради. Иқтисодиётимизни ҳаракатга келтирувчи асосий куч бўлган тadbиркорларга, уларнинг қонуний манфаатларига ишончни мустаҳкамлайди.

Умуман олганда, мамлакатимизда товарлар, хизматлар, ишчи кучи ва молиявий маблағнинг эркин ҳаракатларини, давлат ички ва халқаро савдо ривожланиши учун барча шароитлар яратишни Конституция билан мустаҳкамлаш фурсати етган эди.

Бундан ташқари, тadbиркорлар қонунчилиқда таққиланмаган ҳар қандай фаолиятни амалга ошириш ва ўз



Шу билан бирга, халқимиз фаровон ва муносиб яшаши учун ишсизликдан ҳимояланиш, қафолатланган сифатли таълим, малакали тиббий ёрдам, барча учун тенг имкониятлар, оилалар, болалар, аёллар, қариялар, ногиронлиги бор шахсларни ҳар томонлама қўллаб-қувватлаш, соғлом турмуш тарзини кенг оммалаштириш, қулай ва хавфсиз атроф-муҳит яратиш, тadbиркорлиқни ҳимоя қилиш, хусусий мулк дахлсизлигини таъминлаш каби муҳим омиллар конституциявий асосга эга бўлади.

“Ҳаракатлар стратегиясидан — Тараққиёт стратегияси сари” тамойили асосида ислохотлар узвийлиги ва давомийлигига эришиш бугун 35 миллиондан зиёд кўп миллатли халқимизнинг ривожланган давлатларга хос ҳаёт даражасига эришиш, адолатли, эркин ва фаровон жамият қуришдек улуг мақсадлари билан чамбарчас боғлиқ. Буни янгиланаётган Конституцияга юртдошларимиз томонидан юборилган 48 минг 492 та тақлифда ҳам қўйшимиз мумкин. “Инсон қадри учун”, “Давлат — инсон учун” деган гоғларни ҳаётга татбиқ этиш мақсадлари аҳоли томонидан билдирилаётган фикр ва тақлифлар орқали кенг қўллаб-қувватланаётгани алоҳида эътирофга сазовор. Улар мамлакатимизнинг ривожланиш тенденциялари бугун ва эртага қандай бўлишига асло бефарқ эмас.

Албатта, яхши англаймизки, Тараққиёт стратегиясида ўз аксини топан адолатли ва халқпарвар давлат барпо этиш мақсадларига эришиш учун янги конституциявий макон керак эди. Шу боис, Асосий қонунимизни жамиятдаги бугунги реал воқеликка, шиддатли ислохотларимиз мантиқига мослаштириш, Янги Ўзбекистон тараққиёт стратегияси учун мустаҳкам ҳуқуқий пойдевор яратиш йўлида халқимиз ҳамжиҳатлик ва бирдамлик намоён қилди. Бу ўзининг ижобий самараларини бериши шубҳасиз.

Яна бир култур мақсад шуки, Президентимиз ташаббуси билан Конституциямизда давлат мактабгача таълим, мактаб ва олий таълим тизимини, турли мулк шаклидаги, жумладан, хусусий таълим муассасаларини ривожлантириш учун зарур шароитлар яратиб бериш билан боғлиқ нормаларни ҳам киритиш тақлиф қилинди.

“Биз таълим, илм-фан ва инсон капиталини ривожлантиришга устувор эътибор бериб келмоқдамиз. Чунки бугунги шиддатли рақобат замонидида фақат билимли, маърифатли миллат ва давлат муносиб тараққиётга эриша олади.

Ота-боболаримиз “Бешиқдан қабргача илм излан”, деган муборак ҳадисга амал қилиб яшаган даврларда юртимиз заминидан буюк мутафаккир зотлар — бухорийлар, термизийлар, хоразмийлар, берунийлар, фарғонийлар, навоийлар етишиб чиққан. Биз ана шундай улуг аждодларимиз

нинг янги баркамол авлодини тарбиялаб вояга етказмоқчи эканмиз, бунинг учун боғча, мактаб, олий таълим ва илм-фан соҳаларини устувор тараққиёт эттиришни конституциявий даражада мустаҳкамлаб қўйишимиз шарт”, деди давлатимиз раҳбари.

Агар бу гаплар замиридаги буюк келажақ марраларини англаб етсак, бугун ҳар биримиз шундай қудратли ва халқпарвар давлатда яшаётганимиздан бошимиз кўкка этади.

Эътибор беринг, **“бугунги шиддатли рақобат замонидида фақат билимли, маърифатли миллат ва давлат муносиб тараққиётга эриша олади”**. Бундан бошқача бўлиши ҳам мумкин эмас. Чунки биз юқорида таъқидлаган гоғлар кураши айнан шу масала ҳаёт-мамот аҳамият касб этишини урғулайди.

Яна унутмаслигимиз керакки, янгиланган Конституциямиз Уччини Ренессансга элтувчи буюк маёқ вазифасини ҳам ўтайди. Боиси, таълим сифати миллий тарихимизда ҳеч қачон янги Ўзбекистон замонидидаги каби қафолатланмаган. Тўғри, ҳаракатлар, мақсадлар бўлган, лекин Конституция даражасида саъй-ҳаракат мана энди бошланмоқда.

Устозга бўлган юксак эҳтиром ҳам Конституциямизда ўз аксини топишни айна мудида бўлмоқда. Қолаверса, педагог ходимларнинг касбий фаолиятига аралашши, уларнинг хизмат мажбуриятларини бажаришига тўсқинлик қилишга йўл қўйилмаслигини ҳам Асосий қонун даражасида белгилаб қўйиш ташаббуси, уйлайманки, бутун халқимиз томонидан катта хурсандчилик билан кутиб олинди.

Ишонамизки, бу йўлни ўзини англаган, Ватанини севган барча фуқаро қизгин олқийлайди. Янги юксалиш даврининг маърифий босқичини муборакбод этади.

Конституциявий ислохотлар ва Асосий қонунимизга киритилаётган ўзгартиришлар ҳақида гапирар эканмиз, беихтиёр, Янги Ўзбекистоннинг тараққиёт стратегиясида белгиланган вазифалар кўз олдимиздан ўтади.

Олдимизда гоғат катта мақсад ва режалар турибди. Уларнинг бош гоғаси эса, албатта, **“Инсон қадри учун”**. Гап шу ҳақда борганида, ҳаётимизга, давлат бошқарувида кириб келган янгила таомойилларни ҳам тилга олиш ўринли бўлади.

Бу бизга нима берапти, деган саволга жавобан эса ҳеч иккиланмасдан айтиш мумкинки — **фаровон ҳаёт, қафолатланган келажақ!**

Биз юқорида фикримизни бежиз сўз ва унинг қудрати ҳақида бошламадик. Янги Ўзбекистонда сўз эркинлиги берилган бир даврда яшаймиз. Шундай экан, ҳар бир сўзи катта ҳаётий маъно ва мақсад касб этадиган янгиланган Конституциямиз, энг аввало, илдамлик ҳодисасини юзга келтиради. Бу **“халқимиз келажақда эмас, бугун ҳам яхши яшаши керак”**, деган катта мақсадимизга бизни кун сайин яқинлаштираверади.

Президентимиз **“Сиёсатни халққа яқинлаштириш даври келди”**, деб кўп бор айтган ва унинг амалий ифодасини давлат бошқаруви тизимидаги туб ўзгаришларда ҳар биримиз кўриб турибмиз.

Шу ўринда яна бир мулоҳазага йўл очилади: **Конституция, бу, энг аввало, муайян заминда дунёга келган инсонларнинг муносиб яшаш ҳуқуқи, дегани.** Шундай экан, янги Ўзбекистонда барқарор жамиятни ва ишончли тараққиётни яратиш барчамизнинг бош маслағимиз, мақсадимиз бўлиши керак.

Инчунин, Президентимиз айтганидек, **“Халқимиз сиёсий-ҳуқуқий тафаккурининг ёрқин ифодаси бўладиган янгиланаётган Конституциямизга таяниб, янги Ўзбекистонни, албатта, биргалиқда барпо этамиз”**.

Сизлар менга кўмакчи, елкадошсиз. Ютуғимизни ҳам, камчилигимизни ҳам халқимизга адолат билан етказувчи куч деб биламан. Сизлардан битта нарсани илтимос қиламан, изланишдан эринманглар, адолатни халққа етказишдан қўрқманглар. Ортингизда Президент бор.

Шавкат МИРЗИЁЕВ,
Ўзбекистон Республикаси Президенти

Олимжон ЎСАРОВ,
Ўзбекистон Журналистлари ижодий уюшмаси раиси

Бугун жамиятимиз аниқ, очиқ ва шаффоф йўлни танлаб, илдам бораётган экан, рамзий маънода айтиш мумкинки, журналистлар мазкур жамиятнинг шифокорларидир. Улар жамиятнинг бутуни, эртаси, иссиқ-совуғидан хабардор бўлади, мавжуд ҳолатни билиб туради. Янги Ўзбекистон деган тушунчанинг асл моҳиятини ҳам одамлар қалбига, онгу шуурига жо қилишда журналистлар фаолияти муҳим ўрин тутати. Бу янгича ҳаёт, янги хоҳишлар билан бирга, янгича мажбуриятлар ҳам дегани. Ана шу мажбуриятлар бугун барча соҳа вакилларидамон замон билан ҳамнафасликни тақозо этса, журналистлардан пешқадамликни, яъни ислохотлардан бир қадам олдинда юришни талаб қилади.



Бугуннинг журналисти сўзи ўткирлиги баробарида профессионализм малакасини, тажрибасини ошириб бориши шарт. Зеро, энди матн билан ўқувчи қалбини забт этиб бўлмайди. Эндиликда ўқувчининг, томошабиннинг бир соатлаб кўрсатув кўриб, бир саҳифалик мақола ўқишга вақти йўқ. Улар содда, лунда материаллар кутади. Айни пайтда соҳа вакиллари шунга тайёрланиши керак, бунинг учун эса ўз устида мунтазам изланиши шарт. Тўғри, блогерлар бу борада анча фаол ҳаракат қиляпти. Чунки улар янги Ўзбекистонда янги нафас ва янги куч билан сўз айтаяпти. Зеро, ҳалигача ички цензура билан ижод қилаётган аксарият журналистлар босиб ўтган йўллардан улар юрмаган, қўплаб жараёнларга гувоҳ бўлмаган.

Бугун мамлакатимиздаги 8 та олий таълим дароҳида журналистика бўйича сабоқ бериляпти. Бу яхши, албатта. Афсуски, жойлардаги журналистика факультетларида соҳа кишиси бўлмаган ва бугунги журналистика талабларига жавоб бермайдиган ўқитувчилар ҳам ёшларга дарс ўттаяпти. Матбуоти-

мизда тахлилий мақолалар, айниқса, иқтисодий таҳлил бежиз камайиб кетмади. Тўғри, журналистика ёшларни ўзига жалб этадиган соҳа. Лекин улар соҳа машаққатини, захматини тўлақонли ҳис қилишлари ҳам керак. Ахир журналистика улар ўйлаётганидек, фақат блогерлик, радио ёки телевидениеда микрофон ушлаб, ўзини намойиш қилиш дегани эмас. Соҳанинг ўзига хос, бетакор жихатлари намоеъ бўладиган матбуотда амалиёт ўтасин улар.

Тажрибадан маълумки, фаолиятини газета таҳририятида мусаххиликдан бошлаган журналист исталган ОАВда қоқилмай ишлаб кета олади. Газета том маънода бўлажак журналистлар учун тетаполияк давридан ўтиш майдони, улкан тажриба мактаби. Унда тахлилийнинг қўламини кенг, моҳияти чуқур. Шу маънода, матбуот бугун ахборот бериш эмас, юки оғир тахлилий материаллар билан халқни ўзига жалб этапти.

Масалан, унинг, нонинг нархи ошиши билан боғлиқ шов-шувлар борасида журналистлар кучли иқтисодчилар билан боғланиб, нега бундай

бўляпти, бутун дунёда қандай-у, бизда қандай эканини таҳлил, таққос билан ёритиши, асл моҳиятини очиши керак эди. Босма нашрда берилаётган тахлил на телевидение, на радио, на ижтимоий тармоқда учрайди. Мана шу томондан босма нашрларнинг устуңлиги сакланиб қолади.

Бугун баъзи бир газеталарнинг интернет манбалари асосида тайёрланаётгани улар умрига зомин бўляпти, десак айни ҳақиқат бўлади. Айримларида плагиатлик авж олгани ҳам бор гап. Аслида, ҳар бир журналист муаллифлик ҳуқуқини билиши, бу бўйича белгилаб қўйилган нормаларга қатъий амал қилиши керак. Шунга амал қилмаслик, журналистнинг ҳатто ўз ҳуқуқларини тўла билмаслиги ортидан соҳада кўп муаммолар учраб турибди. Айниқса, муаллифлик ҳуқуқининг аксарият ҳолларда ҳурмат қилинмаётгани кишини ўйлантиради. Ўзингиз ўйланг, бир газета ҳуқуқ ҳақида ёзса-ю, ўзи ҳуқуқни бузса? Радио, телевидениеда ҳам айни ҳолатларни кузатиш мумкин.

Муаллифлик ҳуқуқи ҳақида гап кетганда, бу йилги "Олтин қалам" танлови билан боғлиқ бир мисолни айтишни истардим. Бир журналистнинг яхши-яхши кўрсатувларини сайтга жойлай олмай қиналдик. Негадир Youtube блоклаб қўяверди. Нега бундай бўляпти, десак, бу кўрсатувларда турк мусиқаларидан фойдаланилган экан. Қаранг, муаллиф лоқаил бир жойда турк мусиқасидан фойдаланганини билдириб кетиши керак бўлган. Қўплаб блогерлар ҳам бунга эътибор бермайди. Шу маънода, муаллифлик ҳуқуқи ҳақидаги қонунни нафақат билиш, балки унга амал қилиш бурчимизга айланиши керак. Яна шуни ҳам таъкидлаш керакики, бу йил танлов ҳақида ижобий фикрлар устуңлигига эришдик. Номзодларнинг ижод намуналарини ўтган йилги қўплаб тақлифларни инобатга олган ҳолда, интернетга жойладик. Одамлар ўзи истаган журналистнинг ижоди билан танишиб, баҳолаш имконига эга бўлди.

Ўтган қисқа давр ичида уюшмага аъзо бўлиш истагини билдирганлар сезиларли кўпайди. 2021 йил мобайнида Қорақалпоғистон Республикаси, вилоятлар ҳамда Тошкент шаҳри бўйича 160 нафар, бу йил 61 нафар энг фаол журналист уюшма аъзолигига қабул қилинди. Уларга аъзолик гувоҳномалари ва кўрак нишонлари уюшма ҳудудий бўлимлари томонидан ташкил этилган тадбирларда тантанали равишда топширилмоқда. Бугунги кунгача уюшмага 400 дан зиёд журналист аъзо қилинди. Уюшмага аъзо бўлиш истагини билдирган журналистлар учун Jurnalistlar.uz веб-сайтида барча маълумотлар жойлаштирилди.

Айни пайтда юртимизда қўплаб хориқлик журналистлар фаолият юритмоқда. Мамлакатимиз ОАВларининг



Тажрибадан маълумки, фаолиятини газета таҳририятида мусаххиликдан бошлаган журналист исталган ОАВда қоқилмай ишлаб кета олади. Газета том маънода бўлажак журналистлар учун тетаполияк давридан ўтиш майдони, улкан тажриба мактаби. Унда тахлилийнинг қўламини кенг, моҳияти чуқур. Шу маънода, матбуот бугун ахборот бериш эмас, юки оғир тахлилий материаллар билан халқни ўзига жалб этапти.

ҳам чет элларда муҳбирлик пунктларини очиш вақти келди, Россия Федерацияси "ЕвроМедиа" халқаро нашриёт уйи ҳокимият органлари билан алоқалар департаменти директори Галина Амирова, "МедиаЮг" нашриёт уйи ижрочи директори Владимир Денисовнинг тақлифига кўра, 2021 йил 27 октябрь кунин Миллий матбуот марказида Ўзбекистон Журналистлари ижодий уюшмаси раҳбарияти билан учрашув ҳам самарали бўлди.

Бундан ташқари, Қозоғистон, Қирғизистон, Туркия ва Ҳиндистон журналистлари уюшмалари билан ҳамкорлик меморандумини имзолаш, Хитой, Жанубий Корея, Россия журналистлари уюшмалари билан келишилган ҳолда, бир гуруҳ журналистларини шу давлатларга хизмат сафарига юбориш кўзда тутилган. Буларнинг барчаси журналист кадрлар салоҳиятини ошириш, уларни замон талабларига жавоб берадиган профессионал даражага олиб чиқиш мақсадида ташкил этилади.

Жорий йилнинг 7 май кунин Тожикистон Журналистлари иттифоқи билан ўзаро ҳамкорлик меморандуми имзоланди. Миллий матбуот марказида

бўлиб ўтган тадбир мазкур ҳамкорлик масаласига бағишланди. Анжуманда Ўзбекистон Журналистлари ижодий уюшмаси ва Тожикистон Журналистлари иттифоқи томонидан бир гуруҳ журналистларга аъзолик гувоҳномалари ҳамда кўрак нишонлари топширилди.

Халқаро матбуот институти Озарбайжон миллий қўмитаси раиси Умуд Мирзаев билан учрашувда икки давлат журналистлари ўртасида ўзаро тажриба алмашишни йўлга қўйишга келишиб олинди.

Сир эмаски, журналистлар ҳамиша Ёзувчилар уюшмасига ҳавас қилиб келади. Энг сўлим гўшаларда дам олиш имкони, махсус поликлиникалар, замонавий бинода жам бўлишни неча йиллардан буюн орзу қилади. Айни пайтда журналистларга ҳам мана шундай имкониятларни яратиш учун тақлифларимизни берялмиш. Насиб қилса, яқин келажакда ёзувчилар каби журналистлар ҳам соғлиқларини сўлим гўшаларда тиклаб, анжуманларини янги бинода ўтказишга муваффақ бўлади. Журналистлар уюшмаси нуфузли ташкилот бўлиши учун имкон қадар ҳаракат қиламиз.

Шу ўринда айтиш керакики, 1990-йилларда уюшма ҳам молиявий, ҳам сиёсий жиҳатдан энг кучли ташкилотлардан бўлган. Давлат аҳамиятига эга бўлган масалаларда журналистларнинг сўзи, овози эштилган. Ўтган даврда унинг йўқотилган обрў-эътиборини қайта тиклаш олдимиздаги асосий вазифага айланди. Уюшма журналистга нима беради, деган саволнинг жавоби ўз-ўзидан ойдинлашиб бормоқда. Уюшмага аъзо бўлаётган журналистлар қалбидан бир ишонч уйғониши керакики, энди унинг ортида туриб, исталган пайт ҳимоя қиладиган ташкилот бор.

Зеро, биз қонун устувор бўлган жамиятда яшаёялмиш. Ўзининг ҳизмат вазифасини бажараётган оммавий ахборот воситаси ходимиға тўқинлик қилишга, унга нисбатан куч ишлатишга, қўлидаги микрофони ёки камерасини тортиб олишга ҳеч кимнинг, шу жумладан, ички ишлар органлари ходимларининг ҳам қонунан ҳаққи йўқлигини ҳаммамиз яхши биламиз.

Давлатимиз раҳбари "Қонуний фаолият юритаётган барча журналист ва блогерлар бундан буюн ҳам қонун ва Президент ҳимоясида бўлади", деб алоҳида таъкидлаганини, афсуски, айрим оқошталик посбонлари баъзан унутиб қўяётганга ўхшайди.

Алоҳида қайд этамизки, бундай ҳолатлар Ўзбекистон Журналистлари ижодий уюшмаси, АОКА, УЗММА томонидан назоратга олинган, Ички ишлар вазирлиги, Миллий гвардия ва Бош прокуратурага сўров юборилган ва шу билан бирга, ҳолат юзасидан мустақил ўрганиш ҳам олиб боришмоқда.

Уюшма ОАВ ходимларининг ҳуқуқларини, қонуний манфаатларини ҳимоя қилишда қатъий давом этади. Журналист фаолиятига тўқинлик қилиш, ноқонуний йўллар билан дахл қилиш, шахсини обрўсизлантиришга бўлган ҳар қандай уринишларни кескин қоралайди.

Ўз ўрнида журналистларимиз ҳам бир нарсани чуқур ҳис қилишлари керакики, давлатимиз раҳбари бизни ҳамиша эътироф этиб, дадил, собитқадам бўлишга чорлаяпти. Мана шундай пайтда шахсий манфаат йўлида нафақат ўзи, балки бутун соҳа вакилларини обрўсизлантиришдек номақбул ҳаракатларни кечириб бўлмайди. Айниқса, ёлғон маълумот тарқатиш, иккиюзламачилик қилиш каби салбий одатларга барҳам бера олсак, ўйлаймани, халқимизнинг журналистларга ишончи, умиди янада юксалади.

Янада дейишимизга асос бор, албатта. Негаки, одамлар кейинги йилларда сўз эркинлигини, ислохотлар натижаларига журналистлар тимсолида гувоҳ бўлаётганларини ўзлари тан ола бошлади. Бу эса соҳа вакилларининг энг катта ютуғи. Мана шу ютуқ — кўп сонли халқнинг ишончи бизни ҳар он янги Ўзбекистонда янгича ишлашга руҳлантириб туради.

БУГУННИНГ ЁШЛАРИ

ЮРТИМИЗДАГИ ЯГОНА ИННОВАЦИОН ЛАБОРАТОРИЯ ИХТИРОЧИСИ

Санжарбек ҲАМИДОВ,
журналист

Гап Наманган вилоятининг иқтидорли, илм олишини севадиган ва ўрганганлари асосида янгилик яратишга иштиёқманд ёшларидан бири — Улуғбек Турдалиев ҳақида талоқларда. Қаҳрамонимиз Наманган давлат университетидида бармақларга физика фанидан дарс беради. Ўзи шу соҳада қатор ихтиролар ҳам қилган. Айниқса, унинг инновацион лойиҳаси — мактабларда физика фанини ўқитишга мўлжалланган ўқув лабораторияси ҳозирча юртимизда шу турдаги ягона қурилма ҳисобланади.

Лаборатория жамланма ҳолида ишлаб чиқарилган. Уни исталган хонага ўрнатиб, физика фани амалиётини олиб бориш мумкин. Комплект умумтаълим мактаблари учун мўлжалланган бўлиб, дарсликлардаги маззурлар асосида ишлаб чиқилган. Ўқувчилар дарсда олган билимларини лабораториядаги қурилмалар, физик хоссалар асосида амалиётда қўллашлари мумкин. Ихчам, асосийси, бир жойдан иккинчи жойга кўчириш мумкин бўлган лаборатория жамланмаси мамлакатимизнинг энг чекка ҳудудларида жойлашган мактабларда фойдаланишга анча қўлай.

— Олий таълимни тамомлаб, университетда иш бошлаганимдан сўнг менга вилоятдаги мактабларни ўрганиш вазифаси топширилди, — дейди Улуғбек Турдалиев. — Энг аввал, ўзим ўсиб-ўлғайган Поп туманига бордим.

Ўрганишларим давомида мактабларда физика фанини ўқитишда асосий муаммо ўқув лабораторияларининг етишмаслиги, баъзи мактабларда эса умуман йўқлигини кўрдим. Гап шундаки, бундай лабораториялар анча қиммат бўлиб, хориждан катта маблағ эвазига олиб келинар экан. Шу боис, ҳамма мактабларда ҳам бўлавермайди. Бу ҳолат мени ўйлантириб қўйди. Ахир физика фанини амалий машғулотлар, лаборатория тажрибаларисиз чуқур ўрганиш қийин-ку! Шундан сўнг ўзимга Ўзбекистонда ҳам ўқув лабораторияларини ишлаб чиқариш мумкинми, деган саволни бердим. Нега бўлмас экан, албатта, мумкин. Мен ана шундай лаборатория комплектини яратаман ҳамда бу қурилма универсал бўлади, деган қарорга келдим.



Шу тариқа Улуғбек ўз гоёси устида тинимсиз ишлаб, жуда кўп манбаларни ўқиб-ўрганди. Хориж лабораторияларини кузатиб, интернет орқали 3D моделлаштириш дастурини ўзлаштирди. Бунинг учун яхшигина маблағ ҳам сарфлади. Мактаб ўқув адабиётларини қайта ўқиб чиқди. Ниҳоят, орадан бир йил ўтиб, қурилманинг биринчи қурилиши тайёр бўлди.

Талабалик йилларидаёқ физик қурилмалар устида изланишлар олиб борган Улуғбек учун лаборатория жамланмаси-

ни ясау у қадар қийинчилик туғдирмади. Ахир унинг биринчи ясаган техник ишланмаси оддий ускуна эмас, оптик телескоп бўлган. Мазкур телескоп энг содда механизмга асосланган бўлиб, иккита қавариқ оптик линза ва махсус кўриш трубасидан ташкил топган. Қурилма ёрдамида узокда жойлашган буюмни 10 мартагача катталаштириш мумкин. Бундан ташқари, унинг узунлигини ўзгартариш орқали керакли фокус масофани танлаш имкони ҳам мавжуд.

“Наманган” бренди остида ишлаб чиқарилади

Давлатимиз раҳбари ҳар гал ёшлар билан учрашганда, “Илмни кадрланг, илмга интилинг!”, деган сўзларни қайталайди. Бу шунчаки даъват эмас. Аксинча, бугун юртимизда қайси соҳа бўлмасин, ўқийман, илм қиламан, деган ёшларга барча шариотлар яратилляпти. Йигит-қизларнинг инновацион лойиҳалари қўллаб-қувватланиб, молиялаштириляпти. Натижада юзлаб, минглаб ишланмалар, ихтиролар тайёр маҳсулотга айланмоқда.

Улуғбек ўзи яратган физика лабораторияси жамланмаси билан Инновацион ривожланиш вазирлиги томонидан ўтказилган “Бўлажак олим” танловида иштирок этиди. Лойиҳа кўпчиликда қизиқиш уйғотди. Улуғбек танловда голиб деб топилиб, унга қарийб 14 миллион сўм маблағ ажратилди.

— Бу маблағга керакли техника ва қурилмаларни харид қилиб, лаборатория комплектининг янги, универсал қўрилишини яратдим, — дейди ёш олим. — Жамланма мобил ҳолда ишлаб чиқарилган бўлиб, уни исталган вақтда, исталган жойга олиб бориб фойдаланиш мумкин. Доимий электр энергияси ва ўқув хонаси талаб этмайди. Ихчам лабораторияда 24 та

қурилма ўрнатилган. Уларда 6 та лаборатория иши ҳамда хориж муқобилларидан фарқли ҳолда, 4 та намойиш тажрибасини бажариш имконияти мавжуд. Қолаверса, нархи шу турдаги чет эл қурилмаларидан анча арзон.

Мазкур қурилмани ҳудудларда оммалаштириш яхши самара беради. Ҳозирги кунда жойларда лаборатория комплектининг тақдироти ўтказилиб, ишлаш механизми билан таништириляпти. Семинарлар ташкил этилиб, физика фани ўқитувчиларига намойиш этилмоқда. Қўплаб мактаблар қурилмани сотиб олиш тақлифини ҳам билдирган.

Бир неча кун аввал Наманган вилояти ҳокимининг талаба ёшлар билан ўтказган учрашуви Улуғбек учун яна бир имконият бўлди. Ёш олимнинг ихтироси билан танишган вилоят ҳокими лаборатория комплектини мактабларга жорий этиш тақлифини қўллаб-қувватлади. Масъулларга вилоятдаги физикага ихтисослаштирилган 12 та мактабга ҳомийлик маблағлари ҳисобидан мазкур лаборатория жамланмасини етказиш топшириғи берилди.

— Бу мен учун катта ютуқ, — дейди Улуғбек. — Нафақат вилоятимиз, балки Ўзбекистондаги барча мактаб ўқувчилари физика фани амалиётини шундай замонавий лабораторияларда ўтишини истардим. Чунки юқонинг мактабда олган билими қанча юқор бўлса, келгусида ўз йўлини осон танлаб олади. Қолаверса, бўлажак физик, астрономлар айнан мактабдан етишиб чиқади. Келгусида “Наманган” бренди остида инновацион лаборатория ишлаб чиқарувчи корхона ташкил этиш ниятим бор. Бу корхона илмий соҳадаги изланишларни амалиётга татбиқ этишга хизмат қилади.

МУНОСАБАТ

Абдуғаффор ҚИРҒИЗБОЕВ,
Низомий номидаги Тошкент давлат
педагогика университети ректори

Янгиланаётган Ўзбекистонда турли соҳаларда амалга оширилаётган кенг қўламли ислохотлар жаҳон ҳамжамияти нигоҳида юксак баҳоланмоқда. Айниқса, ёш авлодни тарбиялаш, таълим тизимини тубдан ислох қилиш ва кадрлар тайёрлаш борасида миллий моделнинг яратилгани халқаро миқёсда тобора кўпроқ эътироф этилмоқда. Бугунги глобаллашув даврида таълим соҳасини янада ривожлантиришни даврнинг ўзи тақозо этмоқда. Бу борада ким кучли бўлса, марраларга ҳам ўша эришади. Сўнгги уч йилда мамлакатимизда педагогик таълим инфратузилмасини яхшилаш, соҳадаги халқаро ҳамкорлиқни янада кенгайтириш, ахборот-коммуникация технологиялари ҳамда хорижий тилларни пухта ўзлаштирган, замонавий педагогик технологияларни қўллаш кўникмаларига эга, профессионал педагог кадрлар тайёрлаш каби ўта муҳим аҳамиятга эга вазифаларни бажаришга устувор аҳамият қаратилди.



рақамлаштириш даражасини янада ошириш зарур.

Ўқитиш сифати ва мазмунини халқаро талаблар асосида такомиллаштириб, олий таълим муассасаларининг етакчи халқаро агентликлар рейтинг-ларига киришини таъминлаш, таълим жараёнига хорижлик мутахассисларни жалб қилиш ҳамда маҳаллий профессор-ўқитувчиларни чет элга стажировкаларга юбориш кўрсаткичини ошириш, мутахассислик фанлари бўйича талабаларнинг назарий билим ва кўникмаларни амалиёт билан уйғун тарзда эгаллашига хизмат қилувчи механизмларни такомиллаштириш каби вазифалар долзарб аҳамият касб этмоқда.

Шунингдек, педагогика олий таълим муассасаларига абитуриентларни қабул қилишда касбий йўналтирилган имтиҳонни жорий этиш, талабгорларнинг педагогика касбига қизиқиши ва мойиллигини ўрганиш тизимини яратиш зарур. Ана шу каби вазифаларга ўз вақтида ҳуқуқий асосланган ечим топиш мақсадида Президентимизнинг шу йил 21 июндаги “Низомий номидаги Тошкент давлат педагогика университети фаолиятини такомиллаштириш бўйича қўшимча чора-тадбирлар тўғрисида”ги қарори қабул қилинди.

Бу мазкур университет фаолиятини такомиллаштириш бўйича қатор қўшимча чора-тадбирларни амалга оширишни тақозо этади.

Биринчидан, Тошкент давлат педагогика университети 2022–2026 йилларда босқичма-босқич халқаро талаблар асосида трансформация қилиниши устувор аҳамият касб этади. Бунинг учун 2022 йил якунига қадар бюджетдан ташқари маблағлар ҳисобидан университетнинг мутахассис-



“ПРЕЗИДЕНТИМИЗНИНГ ЖОРИЙ ЙИЛ 11 МАЙДАГИ “2022–2026 ЙИЛЛАРДА ХАЛҚ ТАЪЛИМИНИ РИВОЖЛАНТИРИШ БЎЙИЧА МИЛЛИЙ ДАСТУРНИ ТАСДИҚЛАШ ТЎҒРИСИДА”ГИ ФАРМОНИ, “ХАЛҚ ТАЪЛИМИНИ РИВОЖЛАНТИРИШГА ОИД ҚЎШИМЧА ЧОРА-ТАДБИРЛАР ТЎҒРИСИДА”ГИ ҚАРОРИ ҲАМДА 21 ИЮНДАГИ “ПЕДАГОГИК ТАЪЛИМ СИФАТИНИ ОШИРИШ ВА ПЕДАГОГ КАДРЛАР ТАЙЁРЛОВЧИ ОЛИЙ ТАЪЛИМ МУАССАСАЛАРИ ФАОЛИЯТИНИ ЯНАДА РИВОЖЛАНТИРИШ ЧОРА-ТАДБИРЛАРИ ТЎҒРИСИДА”ГИ ҚАРОРИ АНА ШУНДАЙ САЎЙ-ҲАРАКАТЛАРНИНГ МАНТИҚИЙ ДАВОМИ СИФАТИДА МАВЖУД ҲУҚУҚИЙ АСОСНИ МУСТАҲКАМЛАДИ, ДЕСАК, АСЛО МУБОЛАҒА БЎЛМАЙДИ.**”**

билимини ҳаққоний таълим амалиётида қўллаб қўриш орқали фанларни тўлиқ ўзлаштиришга эришса, иккинчи томондан, дуал таълим ва кредит-модуль тизими имкониятидан тўлиқ фойдаланиш учун зарурий шарт-шароит яратилади.

Ана шундай заруратдан келиб чиққан ҳолда, мактабгача, умумий ўрта, ўрта махсус, профессионал ва олий таълим муассасалари, соҳада фаолият юритаётган илмий ва малака ошириш ташкилотлари ўртасида ўзаро алоқаларни мустаҳкамлаш мақсадида Педагогик таълимни ривожлантириш бўйича республика кенгаши, шунингдек, университет тузилмасида педагогик таълим ва амалиёт бўлими ташкил қилиниши айна муддао бўлади.

Мазкур кенгаш педагогик таълимни ривожлантиришнинг асосий йўналишларини белгилаш, унинг стратегик дастурини тасдиқлаш, педагогика олий таълим муассасалари дастурларининг ўзаро узвийлигини таъминлаш, ижобий тажрибаларни оммалаштириш, соҳага оид долзарб муаммоларни аниқлаш ва уларнинг ечимини бўйича таққиллаш ишлаб чиқиш каби вазифаларни бажариш орқали соҳага кооператив ёндашувни қарор топтиради.

Педагогик таълим ва амалиёт бўлимининг ташкил этилиши эса назария ва амалиёт уйғунлигини таъминлаб, қатор долзарб масалаларга ечим топишга хизмат қилади. Таълим мазмуни узвийлиги ва узлуқсизлигини таъминлаш, талабаларни таълим муассасалари фаолияти, шунингдек, педагог касбининг ўзига хос хусусиятлари билан яқиндан таништириш, ижтимоий тадқиқотлар ўтказиш орқали талабаларнинг касбий йўналгани ва эҳтиёжини ўрганиш, касбий фаолиятга мотивациясини кучайтириш шулар жумласидан. Шунингдек, педагогик таълимнинг жозибадорлигини ошириш, битирувчиларнинг таълим ва ишлаб чиқариш амалиёти ўртасидаги фикр-мулоҳазаларини ўрганиш, битирувчиларнинг иш бериувчилар томонидан баҳолалишини тадқиқ қилиш, университет фаолиятини халқаро талабаларга мувофиқ такомиллаштириш, педагогик таълим ва амалиёт интеграциясини кучайтириш, педагог кадрларнинг узлуқсиз касбий ривожланиши борасидаги долзарб муаммолар бўйича масалалар университетнинг қузатув кенгаши муҳокамасига киритилади.

Бешинчидан, педагог кадрлар тайёрлаш ва мактаб таълимини ривожлантириш мақсадини миллий тадқиқотлар натижаларига таянмасдан самарали рўёбга чиқариб бўлмайди. Педагогика соҳасида таълим ва илм-фаннинг ўзаро интеграциясини таъминлаш мақсадида Тошкент давлат педагогика университети ва Миллий тадқиқот институти ўртасида мустаҳкам ҳамкорлиқни йўлга қўйиш лозим. Бунинг учун халқ таълими тизимини такомиллаштириш, педагогик таълим назарияси ва ишлаб чиқариш амалиёти интеграциясини кучайтириш, педагогларни тайёрлаш ва узлуқсиз касбий ривожланишини таъминлашнинг долзарб масалалари бўйича биргаликда илмий-тадқиқот лойиҳаларини амалга ошириш, ўзаро профессор-ўқитувчиларни айирбошлашни йўлга қўйиш, илмий-педагогик кадрлар тайёрлаш бўйича фаол ҳамкорлик қилиш, биргаликда илмий конференция, семинар-тренинглар, докторлик диссертациялари муҳокамаларини ташкил қилиш, ҳаммуаллифликда ўқув адабиётларининг янги авлодини яратишга доир аниқ чора-тадбирларни амалга ошириш талаб этилади.

Юқоридakilардан келиб чиқиб айтиш мумкинки, умумий ўрта таълим мактабларида ўқитиш сифатини ошириш орқали жамиятда инсон капиталини ривожлантириш, ишсизлик ва камбағалликни қисқартириш учун пойдевор яратилади. Ана шундай пойдеворни барпо этиш учун бўлғуси ўқитувчилар ўз фанини мукамал қилиши, юксак педагогик маҳоратга, янги методикаларни ишлаб чиқиш ва ундан самарали фойдаланиш қобилиятига эга бўлиши шарт ва зарур. Бундай улкан вазифани бажариш, ўз навбатида, олий педагогик таълим мазмуни ва инфратузилмасини янги босқичга олиб чиқишни талаб қилади. Зеро, бугунги ислохотларга оғишмасдан амал қилинса, албатта, қутилган натижага эришиш шубҳасиз.

Бир сўз билан айтганда, мақсад аниқ. Унга эришиш механизми, равон йўли ҳам давлатимиз раҳбари томонидан муддати билан белгилан берилди. Университет педагогик жамоаси билдирилган юксак ишончли кадрлар, олдиқа қўйилган вазифаларни ўз вақтида ва сифатли бажара олишини, юртимизда педагогик таълимни янги босқичга олиб чиқишда том маънодаги таянч олий таълим муассасаси бўлишини ишонч билан айта оламиз.

ЮКСАК ИШОНЧ ЗИММАМИЗГА КАТТА МАСЪУЛИЯТ ЮКЛАЙДИ

Жумладан, давлатимиз раҳбарининг “Ўзбекистон Республикаси олий таълим тизимини 2030 йилгача ривожлантириш концепциясини тасдиқлаш тўғрисида”ги фармони таълим йўналишини мутлақо янги босқичга олиб чиқмоқда. Бу ҳужжат юртимизда олий таълимни тизимли ислох қилишнинг устувор йўналишларини белгилаш, замонавий билим ва юксак маънавий-ахлоқий фазилатларга эга, мустақил фикрлайдиган юқори малакали кадрлар тайёрлаш жараёнини сифат жиҳатидан янги босқичга кўтариш, олий таълимни модернизация қилиш, илгор таълим технологияларига асосланган ҳолда ижтимоий соҳа ва иқтисодиёт тармоқларини ривожлантиришга хизмат қилаётир.

Президентимизнинг жорий йил 11 майдаги “2022–2026 йилларда халқ таълимини ривожлантириш бўйича миллий дастурни тасдиқлаш тўғрисида”ги фармони, “Халқ таълимини ривожлантиришга оид қўшимча чора-тадбирлар тўғрисида”ги қарори ҳамда 21 июндаги “Педагогик таълим сифатини ошириш ва педагог кадрлар тайёрловчи олий таълим муассасалари фаолиятини янада ривожлантириш чора-тадбирлари тўғрисида”ги қарори ана шундай саъй-ҳаракатларнинг мантиқий давоми сифатида мавжуд ҳуқуқий асосни мустаҳкамлади, десак, асло му-балаға бўлмайди.

Яна бир муҳим жиҳати шундаки, таълимга оид метёврий-ҳуқуқий ҳужжатларнинг барчаси соҳа тараққиётини ҳамда унинг ҳуқуқий жиҳатдан мустаҳкам асосга эгаллигини кафолатламоқда.

“2022–2026 йилларда халқ таълимини ривожлантириш бўйича миллий дастурини тасдиқлаш тўғрисида”ги фармон билан Низомий номидаги Тошкент давлат педагогика университети ҳамда унинг ҳузуридаги таълим ва илмий ташкилотлар Халқ таълими вазирилик тасарруфига ўтказилди ҳамда педагогика йўналиши бўйича ўқув дастурларини ишлаб чиқишда етакчи олий таълим муассасаси этиб белгилан қўйилди. Бу юксак ишончни қарийб 90 йиллик тарих ва ўзига яраша педагогик тажрибага эга Низомий номидаги Тошкент давлат педагогика университети жамоаси катта хурсандчилик ва масъулият билан қабул қилди.

Шу ўринда ўтган даврда олий таълим муассасамиз фаолиятида қузатилган янгиликлар ҳақида тўхталмоқчиман. Жумладан, университетнинг асосий фаолиятини автоматлаштириш ҳисобига маъмурий ҳодимлар, профессор-ўқитувчилар ва талабаларга электрон таълим хизматини тақдим этувчи, бошқарув тизимини рақамлаштиришга хизмат қилувчи НЕМИС ахборот тизимига ўтиш ишлари жадаллаштирилди. 2021/2022 ўқув йилининг иккинчи ярмидан бошлаб тизимга тўлиқ форматда ўтилди. Илмий инновацион ишларни тижорийлаштириш йўналишида ўтган йили 1 миллиард 781 миллион 218 минг 924 сўм маблағ топишган бўлса, жорий йилининг ўтган уч ойи давомида 1 миллиард 400 миллион 357 минг сўм маблағ ишлаб топилди.

Жаҳон банки академик инновациялар фондининг “Олий таълим муассасаларида педагогика ва психология фанини ўқитиш амалиёти ва онг ости соҳасига доир таълим бериш жараёнини такомиллаштириш” номли гранти

доирасида “Психофизиология” ҳамда “Психологик хизмат” илмий лабораториялари ташкил этилди. Албатта, ютуклар ўзимизники. Аммо олдимизда турган устувор вазифалар ҳам кам эмас. Бинобарин, бугун замон шиддат билан ўзгариб, барча соҳалар қатори педагогик таълим тизими олдиқа ҳам ўта долзарб ва мураккаб вазифаларни қўймоқда.

“Янги Ўзбекистоннинг янги мактаби” тамойили асосида халқ таълими тизимини ривожлантириш инновацион салоҳиятга эга ўқитувчилар тайёрлаш ва уларнинг касбий ривожланиб бориши учун зарур шарт-шароитлар яратишнинг талаб этади. Янги Ўзбекистоннинг тараққиёт стратегиясини амалга ошириш жараёнида ўтган қисқа вақт мобайнида таълим соҳасидаги ислохотларнинг натижадорлиги юзасидан бир неча марта видеоселектор йиғилиши ўтказилди. Унда педагогларнинг ўзи дарс берадиган фанлардан билимини етарли эмаслиги, педагогик маҳорати пастлиги, ўқувчиларда ўқиш ва ўрганишга қизиқиш ҳосил қилиш учун янги методикалардан фойдаланмаслиги каби ҳолатларга алоҳида урғу бериб ўтилди.

Жумладан, 2022 йил 28 январь куни мактаб таълимини ривожлантириш масалалари юзасидан видеоселектор йиғилишида Президентимиз мазкур ҳолат нақадар ачинарли, бироқ ҳақиқат эканини таъкидлаб, қуйидаги аниқ далилларни келтириб ўтган эди: “Бугунги кунда 504 минг педагогдан 12 фоизи ўрта махсус маълумотли, 38 фоизидан эса умуман малака тоифаси йўқ. Бу педагогларнинг дарс ўтиш маҳорати етарли эмас. Улар ўқувчиларга фақатгина ўзи чала билган нарсаларни ўргата олади, холос. Сабаби ўқитувчиларнинг ўзининг устиди мустақил ишлаш ва рағбатлантиришнинг самарали тизими яратилмаган. Ўқитувчи сифатли дарс ўтишга эмас, кўпроқ соат олишга интилади”.

Шунингдек, шу йил 5 апрель куни давлатимиз раҳбари раислигида халқ таълими соҳасида амалга оширилаётган ислохотлар натижадорлигининг таълили юзасидан ўтказилган видеоселектор йиғилишида ҳам 852 та мактабда таълим сифати, муаллимлар салоҳияти ва ўқувчиларнинг олийоҳларга кириш даражаси пастлиги аниқ рақамлар асосида келтирилди. Мазкур ҳолат юзига келишининг асосий сабаби сифатида ўқитиш методикалари эскиргани, илгор хорижий тажрибаларга асосланган янги ўқитиш усуллари ишлаб чиқилмагани ва ўқитувчилар методик салоҳиятининг узлуқсиз ошириб борилмагани алоҳида қайд этилди. Йиғилишда ўқитувчиларни янги методикаларга ўқитиш тизими Тошкент давлат педагогика университети-тидан бошланиши лозим, деган гоё олға сурилди.

Бугун давр шиддат билан ўзгариб, барча соҳалар қатори педагогик таълим тизими олдиқа ҳам ўта долзарб ва мураккаб вазифаларни қўймоқда. Жумладан, таълим тизимини халқаро талаблар асосида трансформация қилиш, ахборот-коммуникация технологияларини қўллаш, соҳани

лик кафедраларига камида 15 нафар хорижлик эксперт жалб қилиниши, 2023 йил 1 сентябрга қадар халқаро рейтингларда биринчи 1000 таликка кирган чет эл олийоҳлари билан ҳамкорликда камида 3 та қўшма таълим дастурини жорий этиш; 2024 йил 1 январга қадар университет фаолиятида “Рақамли университет” платформасини жорий этиш, унинг бошқарув тизими, ўқув жараёни ва ҳужжатлар айланмасини тўлиқ рақамлаштириш; 2025 йил 1 январга қадар университет-



“КЕНГАШ ПЕДАГОГИК ТАЪЛИМИНИ РИВОЖЛАНТИРИШНИНГ АСОСИЙ ЙЎНАЛИШЛАРИНИ БЕЛГИЛАШ, УНИНГ СТРАТЕГИК ДАСТУРИНИ ТАСДИҚЛАШ, ПЕДАГОГИКА ОЛИЙ ТАЪЛИМ МУАССАСАЛАРИ ДАСТУРЛАРИНИНГ ЎЗАРО УЗВИЙЛИГИНИ ТАЪМИНЛАШ, ИЖОБИЙ ТАЖРИБАЛАРНИ ОММАЛАШТИРИШ, СОҲАГА ОИД ДОЛЗАРБ МУАММОЛАРНИ АНИҚЛАШ ВА УЛАРНИНГ ЕЧИМИ БЎЙИЧА ТАҚҚИЛЛАШ ИШЛАБ ЧИҚИШ КАБИ ВАЗИФАЛАРНИ БАЖАРИШ ОРҚАЛИ СОҲАГА КООПЕРАТИВ ЁНДАШУВНИ ҚАРОР ТОПТИРАДИ.**”**

ни QS (Quacquarelli Symonds) ва THE (Times Higher Education) халқаро агентликларининг соҳавий, минтақавий ёки тематик рейтингларига киришини таъминлаш; вакोलати хорижий ташкилотларни жалб қилган ҳолда, университет таълим йўналишлари ва мутахассисликларини халқаро аккредитациядан ўтказиш; университетнинг бошқарув тизимини ISO:21001 (Management systems for educational organizations) халқаро талаблари бўйича сертифицициядан ўтказиш каби қатор вазифаларни муваффақиятли ҳал этиш кўзда тутилган.

Иккинчидан, 2023 йил 1 январдан бошлаб университетга академик, ташкилий ва молиявий мустақиллик бериш режалаштирилган. Бу эса универси-

ри учун ўз грифи асосида дарсликлар ҳамда бошқа ўқув ва илмий адабиётларни яратиш, нашр этиш; ташкилий бошқарувдаги мустақиллик соҳасида фаолиятининг асосий йўналиши таълим, илм-фан, унинг натижаларини жорий этиш ҳамда тижорийлаштириш билан боғлиқ бўлган, давлат бюджетини маблағлар ҳисобидан молиялаштирилмайдиган таркибий тузилмалар, тижорат ва нотижорат ташкилотларни ташкил этиш; меҳнат бозоридagi эҳтиёждан келиб чиқиб, янги таълим йўналишлари ва мутахассисликларни очиш, хорижий давлат фуқароларини тўлов-контракт асосида ўқишга қабул қилиш ва масофавий таълим олиш шаклида ўқитишни ташкил этиш каби қатор имкониятларни беради.



Бошланиши 1-бетда

Эндигина мустақил бўлган мамлакатимиз мураккаб иқтисодий-ижтимоий вазиятга бошдан кечириётган, одамлар тирикчилик гамида ўзини утга-чўққа уриб яшаётган бир пайтда, иссиқ ўрнини совитли, оддий автоуловда узоқ ва машаққатли сафарга отланиш учун кишида қандай хислатлар бўлмоғи керак, бүгун биз — умримизнинг энг гулгун ва жўшқин давлари истиқлол даврида, дориломон кунларда кечаётган ёшлар, очиги, буни тўлиқ тасаввур этолмаймиз.

Эҳтимол, бунинг учун жуда катта эътиқодга — Аллоҳга бор вужуди билан таваккул қилишдан тортиб, Ватан, миллат, маънавият қайғуси билан яшаш, умрини, жонини хатарга қўйиб бўлса-да, ўз ҳаётий принципларига, ёшлик орзу-умидларига садоқат туйғусига эга бўлиш керакдир.

1992 йилнинг авжи баҳор кунларида ташкил этилиб, 19 май куни йўлга чиққан 14 кишидан иборат илмий экспедициянинг олтимси кечаю олтимси кундузги сафари давомида 18 минг километрдан зиёд масофани босиб, чўлу саҳролар, тоғу доволар оша кезиб, не-не қийинчилик, машаққатларни тортса-да, барчасига сабр-тоқат, ирода билан бардош берганини қўриб, бунга қайта-қайта ишонч ҳосил қиламиз.

Негаки, фақат мустақкам эътиқодига инсонга шундай ирода ва сабр бахш эта олади. Қўнғилда ўзи қилаётган ишга, танлаган йўлга ишонч ва муҳаббатгина одамни олға қадам босишга ундайди, тану жонига, руҳиятига куч-қувват бағишлайди. Кўз олдимизга бир келтирайлик. Афғонистон. Уруш низолар гирдобиди қолган, ундан чиқишга йўл тополмаётган мазлуми маҳзун ўлканинг Жалолобод шаҳри. Экспедиция аъзолари узоқ ва машаққатли сафарининг ҳал қилувчи напласига — ҳазрати Бобур ҳоки ётган манзилга яқинлашмоқда. Оқшом чўккан. Улар чарқочликларни ёзиш, бирпас ором олиш илпинжида ўзлари учун бир сокин жой, хобихот истамоқда. Аммо қани ўша истироҳатгоҳ? Қани ўша сокин, оромикон гўша? Қани ўша ҳаловат?

Экспедиция аъзоси, таниқли адиб, халқимизнинг севимли ёзувчиси Хайриддин Султон “Бобурийнома” маърифий романида бундай ҳикоя қилади:

“Афғонистон ҳудудига ўтишимиз биланок, табииат манзараларида ва иқлимда аниқ бир ўзаришни пайқадик. Арабистон ва Покистоннинг намчил, кишини лоҳас қиладиган ҳавоси ўрнига тоғу тошлардан дилбар насимлар эса босилаганини сездик. Далалар, даштлар, қишлоқлар ва яшил воҳаларини кўришчилари, дарахтзор ва экинзорлар шундоққина Ўзбекистонимизни эслатиб турарди.

Аммо тевагар атрофдаги вайрона иморатлар, йўл ёқасида қалашиб ётган ҳисобсиз харобий техника, портлатилган кўприклар, култепага айланган кентлару овуллар, пичан ва таппи босилган томлар теласида тумшуги йўлга қаратиб қўйилган тўп ва пулемётлар, епти яшарида етимиш яшарига қурол осиб олган силри, бегона одамлар... юракка беихтиёр ваҳима соларди.

Дам-бадам кетмонсоқол, тундбашара, вазжатоли қўрқинчи кимсалар йўлимизни тўсди, машинамиз ичига аланалаб назар солади. Қўрқанга кўш кўринар, деганларидек, ҳар бир нарсга бизга шўх-хали туюлади. Гоҳ олслардан, ҳоҳ эса қайинишдан гўмбурлаган ўқ товушлари эшитилади. Ҳаммаимиз нафасимизни ютиб, ўз йў-хаёлларимиз билан келмоқдамиз...”

Экспедиция аъзолари шундай таҳликали, хатарли йўллардан юриб, ниҳоят, шаҳардаги ягона меҳмонхонадан жой олади. Бунинг қарангли, оғир ижтимоий вазият ва шароит тақозосига қўра, у ҳам харбий шифохонага айлантирилган экан. Ушбу аянчли манзара адиб тилидан бундай тасвир этилади:

“Шаҳардаги ҳукуматга қарашли ягона меҳмонхона бўлгани учун йўлбошчиларимиз бизни шу ерга олиб келишди. Майиб-мажруҳ уруш ногиронлари бирпасда бизни кураш олишди. Бирининг қўли кесилган, бирининг иккала оёғи йўқ, бирининг башараси абжаҳ бўлиб кетган, қўйинча-чи, урушнинг неки хунрезлиги бўлса, мана шу шўрлик ва нотаовон кимсаларнинг пажмурда вужудига қараб, бу ҳақда тасаввур ҳосил қилиш мумкин. Барчаси аланок, жабрдуида инсонлар, бирортасининг ҳечрасида табассуми нишончасини кўрмайсиз...”

“Шўравийлар меннинг отамни, онамни, уч фарзандимни ўлдирган”, дер эди уларнинг бири.

“Меннинг уйимни ёндириб, қулини қўққа соғурган — кофирлар”, дейди иккинчиси.



“Сизларнинг солдатларингиз менинг кўзларимни кўр қилди”, дейди учинчиси. Биз эса уларга нима деб ҳам жавоб берар эдик?

“Урушни халқ эмас, сиёсатдон раҳбарлар бошлаган эди, бугун эди уларнинг барчаси қораланди”, деб айтганимиз билан уларнинг кўнагли ёришариди? Вужуларидеги, юракларидеги азобу укубатлар, алан-армонлар сал бўлса-да камаярмиди?..

Сарбонларимиз уларга ниманидир узоқ тушутирдик. Бир маҳал Қори домла ажаб бир иш қилди: касалхона аҳлига идишда олиб келаётган Оби Замзам сувидан қўйиб узата бошлади. Шундагина уларнинг тунд юзларидеги шўбха ва гумонлар таркагандек бўлди. Дуолар қилиб, муқаддас сув барча шифоталаб беморларга улашилди...”

Бир тарихчи олим, фан доктори, бири ёзувчи, яна бири журналист, бири диний уламо, хуллас, барчаси илмий, зиёли кишилар бўлган, ўтган улғу олим у фозил боболаримиз қадами етган манзилларда бўлиб, Ватан, халқ, миллат йўлида ўзлари учун муҳим нарсаларни кашф этиб, қалбларига юксак орзу-режаларни пиштириб келаётган экспедиция аъзолари афғон дёврийда шундай синовларга дуч келамиз, деб ўйлаганимкан?

Йўқ, гап улар йўлларда учраган жисмоний хавф-хатар, хусусан, Покистон қўлларига қароқчи — ашроқлар таъқибига учрагани ёки афғон заминда замбароғу танклар, автоматлар билан қуролланган жангарилар тизилишиб турган йўллардан юрак ҳовучлаб ўтганида эмас, асло! Ёхуд ёш, мустақил давлатимизнинг ҳали на эл-чихонаси, на бирор ваколатхонаси очилган ўлкаларнинг чегара постларидаги сарғайиб қутишлар, саргардонликларда ҳам эмас!

Зотан, улар тинч-осойишта дёвримиздан отланар экан, олдинда ўзларини йўл азобидан ташқари мана шундай оғир синовлар, хавф-хатарлар ҳам қутаётганини ҳис этарди!

Ҳамма ерда ҳам ўзларини кучоқ очиб қутиб олмасликларини, барча борар манзиллари ҳам муқаддас Каъбатўлоқ жойлашган Маккаи муқаррамга ёхуд Расулulloҳ соллаллоҳу алайҳи васаллам мангу ором топган Мадинаи мунавара эмаслигини билардилар!

Аммо мана бу тахлит изтиробли, ғоят қайғули манзарага дуч келиш, алламли саволлар, ҳасратли нигоҳлар, аянчли тақдирлар қаршисида қолиш хобу хаёлларига келмаган эди.

Ҳа, осмон — узоқ, ер — қаттиқ. Мазлум аскарларга бандаси сўз билан таскин беролмаганда илоҳий куч нусрат беради. Йўл юрган одам турфа ҳолатларни бошидан кечириб экан-да.

Қалби ҳам, тани ҳам мажруҳ инсонлар даврасидан чиқиб, экспедиция аъзолари меҳмонхонанинг биринчи қаватидан иккинчига хонага жойлашади.

Бутун бизнинг замонавий тушунчамиз бўйича, меҳмонхона дегани — нақ истироҳатгоҳнинг ўзи. Осойишта дам олиш учун барча шароит ва қўлайликларга эга шинам ва ёруғ хоналар, бир огиз сўзинга махтал бўлиб тургувчи хизматчилар, лаззатли таом ва ичимликлар. Йўқ, маъзур тутасиз, хурматли ўқувчи. Биз ҳикоя қилаётган манзилда бу сифатлардан бирортаси йўқ эди.

Деразалари чил-чил синган, эшиклари қўлпланмайдиган, йўлакларига майиб-мажруҳ аскарлар оғир азобидан бетоқат, беором кезиб юрган афтоҳлоқ бир кўналға. Тўғри, Мирзо Бобур таърифлаганча бор, бу ёднинг ҳавоси хуш, табияти фусункор. Жумладан, Жалолобод шаҳрида

Маънавият

БОБУР ХАЛҚАРО ФОНДИ ВА ИЛМИЙ ЭКСПЕДИЦИЯСИНИНГ 30 ЙИЛЛИГИ “МАРДОНАЛИҒИНГИЗНИ БОРИ ЭЛ БИЛДИ”

ҳам ўша тун ҳаво салқин, ёқимли, борлиқ бениҳоя мафтункор эди! Аммо... Аммо уй-қу-хузур қайда дейсиз!

Бу ўзи ажиб бир синоат: сен ўзинг меҳр қўйган одамнинг ўхшайсанми ёки кимгадир муҳаббат, чин юракдан ихлос қўйсанг, тақдиринг, ҳаётинг уникига ўхшаб қоладими?

Бунинг қарангли, беш юз йил аввал яшаб ўтган бир зотнинг этагидан тугтиб, унга меҳр ва ихлос қўйиб, у юрган йўллардан юриб, унинг маънавий меросини ўрганиб, унга бағишлаб асарлар ёзиб келаётган инсонлар кўп жиҳатдан ўша зотнинг тақдирини тақрорлаб турсалар?

Ахир, Мирзо Бобур эмасмиди, айни ёш, навқирон кезларида Карнон деган бир масканда ёғий қўлида қуршовда қолиб, ўлим ваҳмини бошидан кечирган ва фақатгина Аллоҳнинг марҳамати билангина азиз жони омон қолган?

“Оламда жон ваҳмидин ёмонроқ нима бўлмас эмиш. Мен дедимким, ростлиги-



ни айт. Агар иш ўзгачароқ бўлгудектур, худ вузу қилай. Юсуф онтлар ичти, вале анинг онтига ким инонадур? Ўзумда бетоқатлиге фаҳм қилдим...” (“Бобурийнома”дан).

Бобурпарвар ватандошларимиз ҳам ўша кеча ўлим ваҳмини ҳис этди.

“Тун бўйи яқин атрофдаги шиддатли отишма овозига қулоқ тугтиб, ухламай тўлганиб чиқдик, — дея ҳикоя қилади “Бобурийнома” муаллифи ўша давларни хотирлаб. — Ким ким билан уришяпти, неаа уришяпти — асло билиб бўлмайди. Беихтиёр бояги ногирон аскарларнинг саволларини ўзларидан қайтариб сўрагим келади: “Хўп, илгарилари-ку, кофирларга қарши, сўнг уларнинг тарафдорлари бўлган Нажибуллоҳ тузумига қарши курашган экансизлар. Энди мужоҳидлар ҳокимиятни қўлга олибди. Неаа яна ўзаро жанг қилинсалар? Наҳотки муслулмон муслулмани қарши қулоқ кўтарса?”

Ҳаёт — бешафқат нарсга, ақл ва мантқиққа бўй бермайдиган ўз қонуниятлари бор. Беғуноҳ қон тўкилаверган, одам-зоднинг дуйдоси ҳам қотиб кетаркан. Афғонистон диёри бугунги кунда шундай беқарор бир вазиятни бошидан кечириётди. Уруш — мамлакат халқининг асосий касб-корига айланиб кетгандек таассурот қолади баъзан...”

Энди “Бобурийнома”дан ўқиймиз. “Ўзумни ўлғума қарор бердим, — дея қайғули қиссасини давом эттиради Бобур Мирзо. — Ўшал богда бир суе оқиб келадур эди, вузу қилдим, икки ракат намоз ўқудим, бошимни муножотга қўйиб, тилак тилайдур эдимким, кўзум уйқўга ботибтур...”

Атрофда отишма овози тинмаётган кечада худди Бобур ҳазратлари сингари ўзида “бетоқатли” фаҳм қилиб ётган юртдошларимиз ҳам бошини муножотга қўйиб, Худодан паноҳ тилар эди. Карамин кенг Аллоҳ Мирзо Бобур сингари унинг бу заҳматкаш издошларини ҳам Ўзининг хифзу химоясида асради.

“Ўшал ҳолда хушхўл бўлиб уйғондимким, — дея ҳикоя қилади “Бобурийнома” муаллифи, — Юсуф доруға ва хамроҳлари бир-бирига маслаҳат қиладурларким, баҳона қилиб ҳаял қиладур, тутуб боғламоқ керак.

Бу сўзни эшитиб мен дедимким, сизлар бу йўсунлук сўзлашурсиз, аммо кўрайликким, қайсинаиз менинг қошимга кела олурсиз?.. Ушбу сўзинига устида эдимким, боғнинг деворидан ташқари қалин отлиқнинг келур овози келди...”

Бу жуда машхур воқеа. Бобур бобомиз ҳаёти давомида кўп жангларни курган, дубулғасига қилич тегиб, шахид бўлишига

Бирок дунёнинг нариги чеккасида бирор аждоғимиз ҳаётига оид битта белги, учқуннинг дарағи етса, ўша жойга албатта бориб, ўз кўзи билан қўриб, имкону иложини топса, уни Ватанга қайтариш умидида жидду жаҳд кўрсатиш ҳамма-нинг ҳам қўлидан келмайди. Эҳтимол, келар, лекин барча ҳам бунга қунт-хафсала қилвермайди.

Байт:

Асру кўл эмиш журъату ҳиммат Сизга, Рўзий қилай Худой нусрат Сизга. Мардоналиғингизни бори эл билди, Раҳмат Сизга, ҳазор раҳмат Сизга!



бир баҳа қолган пайтлар ҳам бўлган, неча бор беморлик бошидан ўтса-да, ҳаммиса Яратган Парвардигор ўз дини паноҳида асраб, жони омон қолган. Аммо мажруҳ ҳодиса, қўлланлар қуршовида қолиб, даҳшатли ўлим ваҳмини танида ҳис қилган ҳолат бир марта бўлган.

Энди “Бобурийнома”дан ўқинг: “Бомидо намозида сўнг кечаги посбонларимиз — Абдул Вадуд ва Фарид етиб келишди. Ҳол-аҳвол сўрашиб, бизни Жалолобод бозорига бошлаб боришди. Бу ерда бир автустахона олдиди тўхтадик. Паҳлавон бир уста ҳас-наш дегунча машинамизни созлаб, баллонларини мустаҳкамлаб берди. Сўнгра Фарид ноушутага таклиф қилди... Ниҳоятда содда ва тўйимли емак билан қаноатланиб, Қобул сару йўл олар бўлдик...”

Ватандошларимиз мана шундай ўт-оволини манзиллар, пасту баланд йўллар, гоҳ айрим давлатлардаги бирократик тўсиқлардан ўтиб, гоҳ яхшиларнинг меҳру саховати, хайрихоҳлигидан баҳраманд бўлиб, зиммаларидаги вазифани шараф билан адо этганча, юртга ёруғ юз билан қайтди. Бу ҳали уларнинг яхлит экспедиция аъзолари ўлароқ дастлабки хорижий сафари эди.

Келинг, шу ўринда ўзбек илм-фани ва маданияти, хусусан, бобуриёшуслиги тарихидан мустаҳкам жой олган мажруҳ экспедиция таркибидидаги фидойи юртдошларимиз номини бир эслаб ўтсак.

Улар: геология-минералогия фанлари номзода **Зокиржон Машрабов** (экспедиция раҳбари), тарих фанлари доктори, профессор **Рустамбек Шамсидинов**, тиббиёт фанлари доктори, профессор **Сайфиддин Турсунов**

(марҳум), журналист, тарих фанлари номзода **Собиржон Шокаримов** (марҳум), **Абдуғани Ҳамидов** (марҳум), ёзувчи **Хайриддин Султонов**, журналист **Фаррух Расулов**, араб ва форс тиллари таржумани **Муҳаммадсодиқ Қосимов**, инглиз тили таржумани, ўша пайтда Андижон давлат тиллар институти проректори бўлган **Маҳмуджон Раҳимов** (марҳум), Андижон шаҳридаги мусика билим юрти муаллими, ҳофиз **Адхамжон Исмоилов**, саноат ходимлари **Шухрат Мадазимов** ва **Орифжон Урайимов** (иккаласи ҳам марҳум), ҳайдовчилар **Баҳром Зокиржонов** ва **Рустамжон Холмирзаев**...

Аллоҳ ўтганларини ўз раҳматига олиб, борларининг тану жонларини саломат, умрларини узоқ қилсин, илоҳим!


Эҳ-хе, ўтган ўттиз йил давомида экспедиция аъзолари яна қанча мушкулотларни енгиб ўтишга тўғри келган, бунинг биз — бу кун осойишта дароҳда, бир пиёла чой ёки қаҳва ҳўплаб, компьютер қаршисида, клавиатура тутмасини эриниб босаётган кимсалар минг уринганимиз билан тўлиқ тасвирлаб ҳам, таърифлаб ҳам беролмаймиз.

Уларнинг машаққатини ҳис этмоқ учун камдада экспедиция раҳбари, 90 ёшни қаршилаётган Зокиржон ота Машрабовдек дунё кезишимиз керакдир. Йўқ, биз адашдик. Дунё кезиш, пенсияни белга тугиб, оппоқ кепкаларни бошга қўндириб, самолётма-самолёт, Парижу Лондон, Дубайу Истанбулни кезишга ҳар ким ҳам қодир бўлиши мумкин.

Бирок дунёнинг нариги чеккасида бирор аждоғимиз ҳаётига оид битта белги, учқуннинг дарағи етса, ўша жойга албатта бориб, ўз кўзи билан қўриб, имкону иложини топса, уни Ватанга қайтариш умидида жидду жаҳд кўрсатиш ҳамма-нинг ҳам қўлидан келмайди. Эҳтимол, келар, лекин барча ҳам бунга қунт-хафсала қилвермайди.

Байт:

Асру кўл эмиш журъату ҳиммат Сизга, Рўзий қилай Худой нусрат Сизга. Мардоналиғингизни бори эл билди, Раҳмат Сизга, ҳазор раҳмат Сизга!



Ўзига ўхшаган юзлаб кишиларнинг бошини қовуштириб, бу ишга ҳисса қўшишга ундаш, Бобур мирзо ҳамда бошқа улғу аждоқлар меросини ўрганиш, тадқиқ этиш мақсадида 40 дан зиёд мамлакатта сафар уюштириш, Африкадан Хиндистон яриморилигача, Европадан Америкага довр бўлган худудлар бўйлаб автомо-биль ва ҳаво кемеларида 400 минг километрдан зиёд йўл босиш — бу Зокиржон Машрабов ва унинг жонқуяр сафдошлари амалга оширган ишларнинг фасади — олд кўриниши, ҳолос. Ҳолбуки, бу ишларнинг ичига — мағзига кириб борганимиз сари меҳнатларининг моҳиятини англаймиз, қадрига етасимиз.

Ўтган йиллар давомида Бобур номидаги халқро жамоат фонди нафақат мамлакатимизда, балки ўнлаб хорижий юртлардаги бобуриёшунос олим ва адибларни, маданият ва жамоат арбобларини ўз атрофидида бирлаштирди.

Дунё бобуриёшунослари яқдиллик билан эътироф этганидек, бугунги кунда Ўзбекистон — Токшент ва Андижон шаҳарлари бобуриёшунослик илмининг марказига айланди.

Бу ҳам бўлса, давлатимиз раҳбарияти юритаётган тинчликпарвар сиёсат, мамлакатимизда илм-фан ва маданият, адабият ва санъат ривожига қаратилган юксак эътибор самарасидир.

Шу кунларда ташкил этилганига 30 йил тўлган Бобур номидаги халқро жамоат фонди ҳамда унинг илмий экспедициясини Зокиржон Машрабовсиз тасаввур этиб бўлмайди. Таъбир жоиз бўлса, фонд ҳам, экспедиция ҳам Зокиржон отанинг фарзандидек бўлиб қолган.

У киши худди океан тўлкинлари, довул-бўронлари аро кемани Аллоҳнинг мадади ва иродаси билан эсон-омон бошқариб борадиган моҳир дарга каби уларга раҳбарлиқ қилиб келаётди.

Отахоннинг ҳаёти ҳам пўртаналарга тўла, курашларга жой. Энг қизиги, у киши ана шу курашлардан завқ олади. Машаққатлар олдидида ёғи қалтирмайди, бунга ўша илк машхур сафар давомида ўн бешинчи ҳамроҳ — китобхон бўлиб бирга юрт кезган ҳар бир ўқувчи амин бўлиши мумкин.

Яна бир муҳим жиҳати — экспедиция сафарлари унинг фаолиятида иштирок этган қўллаб ижодкор зиёлиларга илҳом

ва иштиёқ бағишлаб, янги-янги илмий ва бадий асарлар дунёга келишига сабаб бўлди. Хусусан, Зокиржон Машрабов ва Собиржон Шокаримовнинг “Асрларни бўйлаган Бобур”, Рустамбек Шамсидиновнинг “Бобур изидан”, Қамчибек Кенжанин “Андижондан Даккагача”, “Буюклар изидан”, “Буюк Сохиққирон ўтган йўлларда”, Зокиржон Машрабовнинг “Бори элга яхшилик қилғил” китоблари, Ўзбекистон халқ шоири Тўлан Низомнинг Бобур мирзо ҳақидаги достони, “Сўзга айланган қилич” шеърый романи, таниқли адабиётшунос ва матншунос олим Ваҳоб Раҳмоннинг йўл хотиралари, Фаррух Расулов, Тўлқин Рўзиев, Аҳмаджон Қосимов каби теле ва кино, радио журналистларининг қатор ҳужжатли фильм, кўрсатув ва эшиттирилари бобуриёшунослик йўналишида янги саҳифалар очишга хизмат қилди.

Дарвоқе, Бобур халқро илмий экспедицияси фаолияти ҳақида Ўзбекистон халқ шоири Абдулла Орипов бундан ўттиз йил муқаддам “Ўзбекистон адабиёти ва санъати” газетасида бундай фикрларни билдириб ўтган эди:

“Маккаи муқаррамда, Мино воийдусида бўлган пайтимишда истеъдодли ёзувчи укам Хайриддин Султонов ва унинг андижонлик бобуриёшунос дўстларини кўриб қувониб кетдим. Улар улғу бобомиз Заҳриддин Муҳаммад Бобур изидан юриб, бир қанча мамлакатлар ҳудудидида илмий-иҷодий ишларни амалга ошираётган эканлар. Улар ҳам Маккада бўлиб, муқаддас Ҳаж арконларини адо этиб ҳожо бўлдилар. Сўнгра биз билан хайр-хўшлашиб, автомобилларида яна йўлларида давом этдилар. Ўзбекистон тарихида бундоқ хайрли ва ўзига хос илмий сафар ғоят нободир. Унинг ўзи бир тарих бўлиб кечмишимизда ўчмас харфлар билан ёзилиб қолишса ишонаман”.

Ҳа, беназир шоиримиз ғоят топиб айтган экан. Бобур халқро илмий экспедицияси бугун ҳам изланишдан, сафарлардан тингани йўқ.

Сиз ўйлайсизки, 90 ёш остонасидаги Зокиржон ота тинч ўтириб қолмайди? Сизни ишонтириб айтаемизки, бу ҳақда билсада, у киши бу масалага жиддий қараётгани ҳам йўқ. Юбилей, муҳим саналар ўз йўлига, Зокиржон ота ва унинг сафдошлари ишни, ижодини ўйлайди. Яна қаерда тарихимизга доир янгилик бор, уни қандай қилиб жамоатчиликка етказиш керак, янги ёзилмаж китоблар, қилинажак тадқиқотлар, борилажак манзиллар — уларнинг ён дафтарини тўлдирган эзгу режалар.

Яратганга бехисоб шўкр ва ҳамду санолар бўлсинки, бугун шароит ҳам, имкониятлар ҳам буткул бошқача. Илм қиламан, изланаман, хорижга илмий экспедиция уюштириб, тадқиқот ишларини олиб бораман, деган инсонга ҳамма йўл очик.

Янги Ўзбекистон — Учинчи Ренессанс остонасида. Бу нима дегани? Бу — илм-маърифат, юксак интеллектуал салоҳиятнинг юзага чиқиши учун зарур муҳит, шароит яратилди, дегани. Гул, чечаклар ҳам зарур муҳит бўлмаса, унмайди. Бугун ўтмишни ўрганиш, ўзлигимизни теранроқ англаш учун барча имкониятлар бор.

Президентимиз Шавкат Мирзиёевнинг шахсан ташаббуси билан улғу аждоқларимизнинг илмий-маънавий мероси, турли сабабларга қўра чет элларда қолиб кетган ноёб қўлёзмалари, китоблари ўз тарихий ватанига — мамлакатимизга қайтариб олиб келинмоқда, ўрганилиб, кенг жамоатчиликка тақдим этилмоқда. Илм маърифат, миллат раванки, юрт тараққиёти йўлида курашиб, шахид кетган қанчадан-қанча фидойи ватандошларимизнинг пок номлари оқланди. Бу каби эзгу ишларни санасак, адоғи йўқдек. Лекин бир ҳикमत аёнки, кутлуг мақсадлар рўёби, албатта, халқимизнинг маънавий юксалишига, бугун биз интилаётган Учинчи Ренессанс ҳодисасига кенг йўл очади.

Бу йўлда Бобур халқро илмий экспедицияси фаолияти ҳам муҳим ўрин тутди, албатта.

Ўзбек маданият жамоатчилигини, дунёдаги барча бобуриёшунос ва бобурпарвар инсонларни Бобур номидаги халқро жамоат фонди ҳамда унинг илмий экспедицияси ташкил этилганидан 30 йиллиги билан чин юракдан қўтлаб, унда фаолият юритаётган заҳматкаш юртдошларимизнинг кейинги ишларига ҳам муваффақият тилаймиз.

Улғубек АСРОРОВ, Элмурод НИШОНОВ

“Янги Ўзбекистон” ва “Правда Востока” газеталари тахририяти” ДУК МУАССИС: Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамаси	Бош муҳаррир: Салим ДОНИЁРОВ Тахририятга келган қўлёзмалар тақриз қилинмайди ва муаллифга қайтарилмайди. Газетанинг етказиб берилиши учун бундан расмийлаштирган ташкилот жавобгар. Газета тахририят компьютер марказида саҳифаланди. Газетанинг полиграфик жиҳатдан сифатли чоп этилишига “KOLORPAK” МЧЖ масъул.	Ўзбекистон Республикаси Президенти Администрацияси ҳузуридаги Аxbорот ва оммавий коммуникациялар агентлиги томонидан 2020 йил 13 январда 1047-рақам билан рўйхатга олинган. Нашр индекси — 236. Буюртма — 2068 85744 нусхада босилди. Ҳажми — 3 табоқ. Офсет усулида босилган. Қоғоз бичими А2. Баҳоси келишилган нархда. “KOLORPAK” МЧЖ босмаҳонасида чоп этилди. Босмаҳона манзили: Ўзбекистон, 100060. Тошкент, Янги шаҳар кўчаси, 1-А уй. Босмаҳона телефони: (78) 129-29-29	Навбатчи муҳаррир: Хайриддинмурод Абулфайзов Мусахҳис: Умар Қодиров Дизайнер: Хуршид Абдуллаев Манзилимиз: 100029, Тошкент шаҳри, Матбуотчилар кўчаси, 32-уй ЎЗА якуни — 00:45 Тошпирилди — 01:30
Девонхона: (0-371) 233-70-98 Котибият: (0-371) 233-56-60 Эълонлар: (0-371) 233-57-15 E-mail: info@yuz.uz			